

НАВРЎЗ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 24 март
чоршанба
№ 11-12 (1267-68)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24
Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Тахлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

ОЧИКЛИК ВА ОШКОРАЛИК БОР ЖОЙДА
КОРРУПЦИЯ БЎЛМАЙДИ

4-БЕТ



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШИ БИЛАН
КИМ ШУҒУЛЛАНИШИ КЕРАК?

6-БЕТ

АДЛИЯ МУАММОЛАРНИ
“МАҲАЛЛАБАЙ” ЎРГАНМОҚДА

11-БЕТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Сиз, азизларни, сизлар орқали кўп миллатли халқимизни шарқона янги йил – Наврўз байрами билан чин қалбидан самимий табриклайман.

Нуроний отахон ва онахонларимизга, ҳурматли ака-ўка, мунис опа-сингилларимизга, навқирон ёшларимиз, суюкли фарзандларимизга, хорихдаги ватандошларимизга – бутун эл-юртимизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳаммамиз орзиқиб ва соғиниб кутадиган янгиликлар ва яшариш айёми – Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

Ҳурматли юртдошлар!

Ўтган йили пандемия тўғрисида Наврўз байрамини ҳар доимгидек катта тантана қилиб, кенг нишонлай олмаган эдик. Ўшанда, бу ташвишли кунлар албатта ортда қолади, ҳали кўп тўй-томоша ва сайилларни халқимиз билан биргаликда ўтказамиз, деб эзгу

ният қилган эдик.

Бугун ана шу орзу ва интилишларимиз рўёбга чиқмоқда. Гўзал ва жонажон юртимизда яна шодиёналар, яна қувончли кунлар бошланмоқда.

Албатта, барчамиз яхши тушунамизки, бутун дунёда коронавирус балоси ҳали тўла бартараф этилгани йўқ. Афсуски, у биз билан бирга, ёнимизда яшамоқда.

Халқимиз соғлигини асраш йўлида қандай саъй-ҳаракатлар ва катта амалий ишлар қилганимиз барчангизга яхши маълум. Энди шунча меҳнатимиз, кўрган чора-тадбирларимиз бе-

корга кетмаслиги учун пандемияга қарши курашни бир лаҳза ҳам тўхтатмаслигимиз лозим. Ўзимиз ва яқинларимизни ҳимоя қилишимиз, бепарволик ва беғамликка берилмаслигимиз шарт. Доимо хушёр ва масъулиятли бўлиб яшашимиз, тўплаган тажрибамизга таяниб, албатта, эҳтиёткорлик билан тизимли иш олиб боришимиз зарур.

Шундагина меҳнаткаш халқимиз билан эзгу мақсадларимиз ва катта режаларимизни янги куч, янги ғайрат билан давом эттира оламиз.

2-БЕТ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи

Бугун сизларнинг нурли чехран-гизни кўриб, халқимиз ҳам худди гўзал баҳор фаслидек куч ва қудратга тўлиб бораётганига яна бир бор амин бўлдим.

Кўклам нафаси юртимиз узра кезаётган мана шундай тароватли кунларга соғ-омон етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир. Азиз ватандошлар!

Пандемия бошланган биринчи кунларда мен халқимизга муружаат қилиб, бу синовдан янада кучли ва қудратли бўлиб чиқамиз, деб ишонч билдирган эдим.

Чиндан ҳам, бизнинг кучимиз – бирлик ва аҳилликда; бизнинг қудратимиз – меҳр-оқибат, ўзаро қўмак ва саховатда; бизнинг ютуғимиз эртанги кунга бўлган юксак ишончимизда.

Бу адолатли ҳақиқатни бошимиздан кечирган синовли кунлар яна бир бор исботлади.

Мана шу машаққатли давр бизнинг бир-биримизга нақадар боғлиқ ва керак эканимизни яққол кўрсатди. Шунингдек, бир-биримизни асраб-авайлаб, қадрлаб яшашимиз ҳаётий зарурат эканини тўла намоён этди. Биз фақат биргалликда, ҳам-

ўтадиган йилга тўғри келмоқда.


Наврўз – чинакам халқ байрами, миллий ўзлигимиз кўзгуси, маънавий ва маданий ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир.

Минг йиллар олдин ота-боболаримиз бу улуг айёмни қандай поқният ва ёруғ умидлар билан кутиб олган бўлсалар, бугун ҳам халқимиз мана шундай баланд кайфият билан Наврўзга пешвоз чиқмоқда.

Ям-яшил далалар ва гуллаган боғларда, майдон ва хиёбонларда, қишлоқ ва овулларда, маҳалла ва кўчаларда Наврўзнинг дилбар тароналари – Янги кун наволари янграмоқда. Қир-адирларда мард ўғлонларимиз кўпқари чопиб, қураш тушмоқда. Кексаю ёш юртдошларимиз сумалак тўла қозонлар атрофида ўйин-кулгулар қилиб, баҳор неъматлари ва байрам қувончини ўзаро бахам кўрмоқдалар.

Шундай шуқуҳли ва бетакрор дамларда барчамиз тинч ва осойишта ҳаёт ҳамда хотиржамлик қадрини янада теранроқ ҳис этмоқдамиз.

Бугунги муродбахш ва файзли кунларда миришкор деҳқон ва фермерларимиз улкан ният ва режалар билан қадрдон даласи сари йўл ол-



лан биз кенг кўламли ислохотларимизни бундан кейин ҳам жадал давом эттирамиз. Қанчалик қийин бўлмасин, эл-юртимиз манфаатини, жондан азиз фарзандларимиз келажagini таъминлашга хизмат қиладиган, танлаган тўғри йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз.

Айни шу мақсадда мамлакатимизда ўнлаб замонавий корхоналар, саноат ҳудудлари ва кластерлар, "IT-парк" ва технопарклар, транспорт-коммуникация тармоқлари, шинам ўй-жойлар, кўркам боғча ва мактаблар, олий ўқув юртлари, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо этилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тобора чирой очиб, жонажон диёримиз янада обод ва гўзал бўлиб бормоқда.

Зеро, Наврўзи оламнинг мазмун-моҳиятида инсонни улуғлаш, унинг қадри, иззат-ҳурматини жойига қўйиш каби эзгу фазилатлар мужассамдир.

Юртимизда аҳолининг барча қатламлари, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларни билим ва касб-хўнарга ўргатиш, иш ўринлари, даромад манбаи, турар-жойлар билан таъминлашга устувор аҳамият берилмоқда. Айниқса, ижтимоий ёрдам ва кўмакка муҳтож, кўнгли ярим инсонларга чинакам эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш доимий фазилатимиз мезонига айланмоқда.

Бу борадаги ишларимиз "Ёшларни кўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да мазмун ва сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтарилмоқда.

Мана шундай амалий ҳаракатларимиз келгусида янада кенгайиб, "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" деган олижаноб мақсадимизга албатта етамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Наврўз – инсон ва табиатни асраб-авайлашга, тинчлик, дўст-биродарлик ва ҳамкорлик каби умумбашарий қадриятларни эъзозлашга чорлайдиган улуг байрамдир.

Ушбу қўтлуғ айёмда турли низо ва

адоватлар, гина-аразлар унутилади, халқлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва аҳиллик тамойиллари янада кучаяди.

Ана шундай бекиёс фазилатлари туфайли Наврўз нафақат мамлакатимиз, балки бутун Шарқ оламида замонлар оша безавол яшаб келмоқда. Шунинг учун ҳам Наврўз юртимизда истиқомат қиладиган 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ни бир оиладек бирлаштирадиган гўзал байрамга айланди.

Сизларга маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 21 март – Халқаро Наврўз кунини деб эълон қилиниб, у ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган. Ушбу сананинг жаҳон миқёсида кенг нишонланиши унинг халқаро нуфузи ва аҳамияти тобора юксалиб бораётганидан далолат беради.

Мана шу нурафшон айёмда узоқ-яқин барча давлатларнинг халқларига, хорижий дўст ва ҳамкорларимизга эзгу табрик ва саломларимизни йўллаб, уларга тинчлик ва равнақ тилаймиз.

Қадрли отахон ва онахонлар!

Мухтарам опа-сингиллар!

Ҳурматли ака-укалар!

Азиз фарзандларим – навқирон ёшларимиз!

Қадимий ва гўзал байрамимиз – Наврўзи олам билан барчангизни яна бир бор чин дилдан табриклайман.

Шарқона Янги йилимиз ҳар бир хонадонга, жонажон Ўзбекистонимизга тинчлик-хотиржамлик, соғлиқ-омонлик, бахту саодат ҳамда файзу барака олиб келсин!

Илоҳим, жамики улғувор мақсадларимиз, яхши ният ва улкан режаларимиз рўёбга чиқсин!

Ватанимиз янада обод, халқимиз ҳаёти хамиша фаровон бўлсин!

Азизларим, Наврўзи олам барчамизга, бутун халқимизга қўтлуғ ва муборак бўлсин!



жиҳатликда буюк ишларга қодир эканимизни пандемия синовлари яна бир карра тасдиқлаб берди, десам, сизлар ҳам бу фикрга қўшилсангизлар.

Албатта, коронавирус туфайли дунёда кўп нарса ўзгармоқда. Лекин халқимизнинг она табиатга, муқаддас заминга муҳаббати, азалий қадриятларга эҳтиром ва садоқати асло ўзгаргани йўқ. Аксинча, бундай олижаноб хислатларимиз янада зиёда бўлмоқда, сайқал топи-моқда.

Шу боис ҳам азалдан баҳорий уйғониш ва нафосат тимсоли бўлган Наврўзи олам биз учун тобора ардоқли бўлиб бормоқда.

Бу йилги Наврўзнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у жонажон Ватанимиз мустақиллигининг қўтлуғ 30 йиллик байрамига тадбирлари

моқда.


Фурсатдан фойдаланиб, азму шижоатли бободоҳқонларимизни янги меҳнат мавсуми билан самимий қўтлаймиз. Ушбу қўтлуғ байрам кунларида жорий йилда ҳам далаларда ҳосилларимиз мўл ва баракали, ризқу насибамиз янада зиёда бўлсин, деб барчамиз дуолар қиламиз.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Наврўзнинг ўлмас руҳи ва боқий фалсафаси биз бугун бунёд этаётган янги Ўзбекистон ғояси билан ғоят уйғун ва ҳамохангдир.

Бутун олам, еру кўк уйғонаётган бу ажиб фаслда юртимиздаги янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс орзуси қалбларимизга бекиёс куч ва ишонч олиб кирмоқда.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати, қатъий сиёсий иродаимиз би-



Ҳаёт манзаралари

ИНСОНИЛИК ҲАМ ЖАЗОЛНИШИ МУМКИНИМИ?

БУНДАН бир неча йил аввал Қизилқумга хизмат сафаримиз чоғида шифокорлар ҳам ҳамроҳлик қилишганди. Уша йилларда вилоят шифохонасининг кардиология бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган Тиловжон ака йўл-йўлак кийиниб, бир воқеани айтиб берди. Сунгра куйиниб, бундай инсонийликка жавоб шуми? — деб қўйди.

— Қишининг қаҳрли кунларидан бири эди, — дея ҳикоясини бошлади шифокор. — Қизилқумнинг олис Томди туманидан “Навоий гўшт комбинати”га юк машинасида мол ортиб келаётган ҳайдовчига йўловчи аёл ҳамроҳ бўлади. Мустақилликдан олдинги йилларда вилоят марказидан қарийб 600 километр олисда жойлашган овуллардан унча-мунча транспорт ўтмаслиги боис, ҳайдовчилар ҳам одамларга ҳолис хизмат қилишга одатланган эди. Навоийда тахсил олаётган қизи ёнига келаётган бу нотаниш кекса аёлнинг йўлда касали хужур қилиб, Навоий шаҳрига яқинлашганда аҳволи жуда оғирлаша бошлади. Шунда ҳар бир дақиқа олтинга тенглигини тушунган ҳайдовчи юк машинаси кириши тақиқланган бўлишига қарамасдан, аёлнинг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида тақиқланган йўл белгисини кўра туриб, қондани бузишга мажбур бўлади. Аёлни вилоят шифохонасига олиб бориб, унинг ҳаётини сақлаб қолади. Аммо бу олижаноблиги ҳайдовчига жуда қимматга тушади. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари тақиқ белгилари йўлдан юргани учун унинг ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилишади.

Қизиқ, бир оиланинг бекаси ҳаётга қайтди, ўлимдан қолди. Яна бир оиланинг сунячи, ўша қийин шароитларда бола-чақасининг ягона боқувчиси эса инсонийлик кўрсатгани, бировнинг ҳаётини сақлаб қолгани учун “жазоланди” — ҳалол нонидан айрилди. Тўғри, у қондани бузмаслиги мумкин эди. Унда қил устида турган бир инсон ҳаёти барбод бўлиши, кимдир меҳрибонидан жудо бўлиши турган гап эди.

Бу ватанпарварликнинг аччиқ сабоғи, ҳақсиз жазоси учун кимнидир айблаш фикридан йироқмиз. Қонданиннг ҳам ўз қонуни бор. Қонун эса барчага баробарлигини ҳам яхши биламиз. Лекин қоида бузилиши эвазига бирор киши жабр кўргани йўқлигидан ташқари, бир одамнинг ҳаёти сақлаб қолинди-ку. Бу инсонпар-

варликнинг баҳоси шуми? Нега унда: “Ҳамма нарса инсон учун, унинг бахту саодати учун”, дея кўкрак керамиз? Ёки тириклик бахт-саодат эмасми? Сиз нима дейсиз?

ҚўЛТИҚТАЁҚНИ СИНДИРГАН ПУЛЛАР...

Бахтни ҳамма ҳар хил тасаввур қилади. Бахтиёрликнинг сурати ҳам ҳар хил. Ким учундир бахт қимматбахо машиналарда шаҳар кўчаларини кезиш, минг хил турланиб, суратларга тушиш, олтин зумрад тақинчоқлар эгаси бўлиш, энг қиммат ресторанда тўй-тантанасини нишонлашдан иборат бўлса, ким учундир сени тушунадиган инсон билан тақдирнинг имтиҳонларидан ўтиш, эзгу мақсадларга биргаликда етишиш, кимгадир яхшилик қилиш, кўнгли мулкни бойитиш бахт, деб ҳисобланади. Ҳашамлар, орзу-ҳаваслар бахтнинг остонасида турган ёшлар учун энг катта орзу бўлиши мумкин. Аммо булар бахт эмас. Бахтнинг йўллари қийин, бахтнинг ўйлари узу-у-ун, бахтнинг бўйлари баланд...

Бахт билан боғлиқ сўзларнинг барчасида сеҳр бордек. Аммо бахт билан боғлиқ аччиқ манзаралар ҳам ҳаётимизда борлигини инкор эта олмаймиз.

Бу эски хотира, аммо кўз ўнгимдан йиллар ўтса ҳамки, ўтмайдиган, кетмайдиган аччиқ хотира.

...Ушанда ҳеч кимнинг кўнглига урмайдиган илиқ куз фасли эди. Шаҳримиз марказий кўчасида жойлашган машҳур суратхона олдида ҳар қандай кишини диққатини ўзига тортадиган даражада безатилган турнақатор машиналар, бахтиёр жуфтликнинг бахтига, севинчига гувоҳлар — дўсту ошналар, дугоналар, қариндошлар... Бу келин-куёвларнинг суратга тушиш тадбири.

Тўйлар эса ундан ҳам дабдабали. Тўйлар жуда катта анжумандек ўтиши ўттиз йил аввал ҳам шундай эди, ҳозир ҳам шундай. Тўйдан олдинги тантаналар ҳам бир талай. Масалан, келин-куёвнинг никоҳдан ўтиш маросими. Айрим келин-куёвлар учун никоҳдан ўтиш, никоҳ қозғани олиш унчалик муҳим эмас, аммо никоҳсиз “ЗАГС” маросимини нишонлаш,

суратларга тушиш, ресторанда зиёфат ва базм уюштириш жуда муҳим.

Бир қарашда гўёки ҳаммаси рисоладагидек. Ахир, орзу-ҳаваслимиз-ку! Бутун умрга қоладиган эсдаликка нима етсин. Дунёга бир марта келамиз-ку, дейишди.

Афсуски, мана бу манзарани ҳам орзу-ҳавас дегувчилар кўп. Суратхона эшигидан ташқарига чиқаётган келин-куёвнинг бошидан пул сочишнинг қандай эсдаликка ёки бахтга дахли бор, билмадим?

Шу лаҳзада шуларсиз ҳам жуда гўзал, жуда бахтиёр йигит-қизнинг бошидан худди хазон япроқлари шувиллаб тўкилганидек пуллар сочилди. Уларга ўтганлар қаради, кетганлар қаради. Ерда сочилиб ётган пулларни териб олувчилар ҳам бўлди. Уларга танбех бера олмагани учун бу ердан сўзсиз узоқлашганлар ҳам бўлди. Энг аламли манзара суратхона ёнида ҳар кун қўлтиқтаёққа сунянгача, одамлардан хайр-эхсон сўрайдиган кекса ногирон ҳам сочилган пулларни олишга эгилди... Бир-ик-



ки эгилиб, битта оёқ билан қаддини зўра тиклади. Учинчи бор эгилди-ю... Қўлтиқтаёқни ушлаган қўллари ҳавода муаллақ қолди, ўзи ерга қулади, қўлтиқтаёқ синиб кетди. Сочилган пуллар унинг қўлидан яна ерга сочилиб кетди... Одамлар ёрдамга шошилди. Ерда ётган отахон кўзларидан оқаётган ёш тошларини эритишга қодир эди.

Шу топда ўзини кўз-кўз қилиш, ҳашаматларга ўчлик, манманлик ва оқкўзлик миллатимиз қонига қачон сингди экан, деган савол ўтди хаёлимиздан. Бу дабдаба ўрнига ночорларга, ёрдамга муҳтожларга, кўнгли яримларнинг кўнглини кўтаришга, мурувват кўрсатишга наҳотки қурбимиз, тўғрироғи, савимизда етмайди, деган яна бир оғриқли савол ўтди дилимиздан. Бахт остонасига қўйилган бундай қадамларнинг ҳосияти бормикан?

Маруса ҲОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

ҲИКОЯ қилишларича, Ардашер Бобак юртини адолат зийнати билан безаган эди. Бир кун у ўғлининг гоятда қимматбахо кийимлар кийиб олганини кўрди. Уни олдига чақириб: “Ўғлим, киши шундай либос кийсинки, бундай либос ҳеч бир хазинада бўлмасин”, деди. Ўғли ундан: “Эй ота, у қандай либос, нимадан тикилади?” деб сўради. Отаси унга: “У шундай либоски, матоси яхши хулқ ва яхши ишдир, ипи эса мурося ва сабрдан бўлади”, деб жавоб берди.

Одоб ва ахлоқ — ТАРБИЯ МЕЗОНИ

Ҳар бир жамят ва давлатнинг қонун, қарор ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бўлгани каби, давлат хизматчиларининг ўз фаолиятида амал қилиши лозим бўлган одоб-ахлоқ қоидалари ҳам мавжуд. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари” қабул қилинган.

Мазкур қарорда давлат хизматчиси ҳушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкасблари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши, давлат хизматчилари ўзига бўйсунувчиларга ва фуқароларга нисбатан қўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва қадр-қимматини қамситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асариде “бу шаҳарга ҳоким бўладиган одам шу шаҳар аҳолисига имомлик қилувчи оқил киши бўлиб, у табиатан ўн икки ҳислат-фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур, деган эди. Фозиллар шаҳри ҳокими аввало, тўрт мучаси соғ бўлиб, ўзига юкланган вазифаларни бажаришда бирор аъзосидаги нуқсон ҳалал бермаслиги лозим, аксинча, у соғ-саломатлиги туғайли бу вазифаларни осон бажариши лозим”, деб таъкидлаган.

Жумладан, ҳар бир ходим ишга олинишида қариндошлик, ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танланмаслиги, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек, у хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олди олиниши лозим. Шунингдек, ҳар бир давлат органи ва ташкилотда ходимларни лавозимга тайинлашда манфаатлар тўқнашувининг олди олиниши ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўрилиб, коррупциянинг олдини олиш чоралари кўрилиши таъминланиши шарт.

Бундан ташқари, хизмат вазифасини бажараётган ҳар бир ходим раҳбарият томонидан диққат билан кузатилиши, жамоа ишига қўшаётган ҳиссаси адолатли баҳоланиши, ходимларнинг маънавий ва жисмоний имкониятларидан, тўплаган тажрибаларидан унумли фойдаланиб ва уларнинг яхши турмуш кечириши учун ғамхўрлик қилиниши, йўл қўйган хатоларини тузатишга ёрдам берилиши ҳам муҳим масала ҳисобланади.

Асосийси, ходим ўзи хизмат қилаётган жамоаси олдида ҳам бир қанча вазифалари борлигини билиши зарур. Аввало, жамоасини ҳурмат қилиши, фикрига қулоқ солиши, жамоасида бўлаётган ишларга ўзини ҳам масъул деб билиши, шу билан бирга тартиб-интизомни сақлаши, ўзaro ёрдам ва ҳамкорлик ишларига ҳисса қўиши лозим. Шунингдек, ишлаётган жамоасининг ақиллигига путур етказувчи иллатлар-шахсиятпарастлик, амалпарастлик, калондимоглиқка қарши курашиши керак.

Шу жумладан, адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларида ходимлар қонунчиликка тўла риоя қилган ҳолда мансаб йўриқномаларида кўрсатилган вазифаларни тўлиқ бажариши, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишига йўл қўймаслиги, улар ватанга садоқат ва хизмат бурчига фидойийлик асосида хизмат бурчларини бажариши, шунингдек, ҳар бир мурожаат қилган фуқарога нисбатан адолатли, ҳалол ва ҳолис муносабатда бўлиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Бунда ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши аттестациялар ўтказишда, юқори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар заҳирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

Хулоса ўрнида шуну айтиш лозимки, интизом ахлоқнинг ажралмас қисми, ахлоқ эса жамятдаги хатти-ҳаракатларни тартибга солувчи, бошқарувчи асосий омилдир. Шу сабабли, давлат органларида ишловчи ҳар бир ходим ўз вазифасига виждонан ёндашиши, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук даражада бўлиши нафақат ўзига балки ишлаётган жамоасининг обрў-эътиборини юксалтиришга хизмат қилади.

Шерзод АБДУЛЛАЕВ,
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот
маркази масъул ходими

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК БОР ЖОЙДА КОРРУПЦИЯ БЎЛМАЙДИ

ЯКИНДА Хоразм вилояти ФХДЭ органлари ходимларининг билими, малакаси, хизмат вази-
фасига нисбатан лаёқати
ва салоҳиятини аниқлаш
бўйича ўтказилган навбат-
да ташқари аттестация
синови жараёнида мазкур
бўғиннинг 11 нафар ходи-
ми ўз лавозимига нолай-
ик, деб топилди. Бундай
тадбирнинг ўтказилишига
мазкур соҳа мутасаддилар-
ининг ноҳўя хатти-ҳара-
кати хусусида жойлардан
келиб тушган бир қатор
ариза ва шикоятлар тўртки
бўлди. Амалга оширилган
назорат тадбирлари эса
фуқароларнинг мурожа-
ати асоссиз эмаслигини
кўрсатди ва аниқланган
нуқсонларни ўз фурсатида
бартараф қилиш имко-
нини берди. Ўз вақтида
муолажа қилинмаган яра
чўқурлашиб, бора-бора
катта иллатга айланади.
Ишда ҳам худди шундай:
башарти, бир-икки қусурга
панжа орасидан қаралса, у
охири жиддий қонунбузар-
ликни келтириб чиқаради,
коррупцион ҳолатлар рўй
беради.

Коррупцион кўринишдаги хар-
қандай иллатнинг хуноқ оқибатлари
айрим кишилар ёки катта-кичик
махкамалар уёқда турсин, хатто
дунёдаги мана-ман деган давлат-
ларнинг, жамиятнинг оёғига тушов
эканлигини бутун жаҳон ахли
яхши билади. Коррупцияга қарши
куралиш борасида Ўзбекистон ҳам
ўзига хос тажрибага эга.

Давлат хизматлари идоралари-
нинг ташкил этилиши юртимизга
халоллик, поклик, мусаффолик, очик
ва ошқоралик нафасини олиб кирди.

Ҳаётий тажрибалар тамагирлик,
порахўрлик ҳамда қонунга хилоф
хатти-ҳаракатлар жиловланган
жадид бошқа бир қатор жиддий
ва жузъий нуқсонлар ҳам барҳам
топишни кўрсатади. Шу юзаси-
дан бошқарма микёсида ўтказил-
ган “Сирли мижоз” ҳамда “Рейд”
тадбирлари яхши натижа берди.
Бундай тадбирларнинг сони бир-
гина ўтган йилнинг ўзида 45 тага,
профилактик суҳбатлар эса 191 тага
етди. Бу жараёнда тизимда фаолият
юритаётган кўплаб ходимларнинг
сароғи-сарақка, пучағи-пучакка
чиқди, десак муболага бўлмайди.

Тадбир якуналари бўйича аҳоли
хизматига масъул ходимларнинг 66
нафари огоҳлантирилди, 1 нафарига
“хайфсан”, 6 нафар ходимга нисба-
тан эса жарима шаклидаги интизо-
мий жазо чораси қўлланилди, яна 1
нафар ходим билан тузилган меҳнат
шартномаси бекор қилинди. Бундай
ҳаракатлар, ўз навбатида, қатор
нуқсонларни жиловлаш омилга ай-
лангани ва коррупциянинг олдини
олишга хизмат қилганини тасаввур
этиш қийин эмас. Бошқа бир омил:
фуқароларнинг давлат хизматлари
марказлари фаолиятида коррупци-

яга дахлдор мурожаатлари тўғри-
дан-тўғри бошқарма раҳбарига етиб
боришини таъминлаш мақсадида
мазкур бўғиннинг шаҳар ва туман
шоҳобчаларида ўрнатилган “Алоқа
кути”лари ҳам коррупцияга қарши
кафолатли кураш воситаси си-
фатида намоён бўлаётганлигини
ижобий тажриба сифатида тилга
олиш мумкин. Давлат хизматлари
марказларига келувчилар ушбу
лавозимга оид орқали тизимга
онд шикоятлар, талаб, таклиф,
фикр-мулоҳазаларини бемалол ёзиб
қолдиришлари мумкин.

Тизимда коррупцион ҳолатлар-
нинг олдини олиш ҳамда жойлар-
даги давлат хизматлари марказлари
устидан назорат юритиш, қайд
этилаётган ҳолатларга нисбатан
чора кўриш, талбир белгилаш учун
эса махсус “Ситуация марказ”ла-
ри фаолияти йўлга қўйилди. Шу
тариқа давлат хизматлари марказла-
рига қарашли бинолардаги кузатув
камералари орқали бу ердаги жа-
раёнларни назорат қилиш имкони
яратилди. Ордан кўп ўтмай бу ҳам
ўз натижасини кўрсатди. “Марказ”
фаолияти йўлга қўйилган илк кун-
ларданок юмуш юзасидан таширф
буюрган фуқаронинг ўзирланган
қўл телефони ушбу зийрак “кўз” кў-
магида топиб, эгасига қайтарилди.

Бундай воситалар кейинги йил-
ларда коррупцион ҳолатлар кўпроқ
кузатилган фуқаролик ҳолатлари
далолатномаларини ёзиш бўлимла-
ри ишида рўй бера бошлаган айрим
бош-бошдоқликлар, бюрократия,
ўз вазифасини суиистеъмол қилиш
ҳолатларини фош этишда айниқса
қўл келаяпти.

Куни кеча бошқарма ва унинг
шаҳар-туманлардаги шоҳобчалари-

да мавжуд бўлган бўш иш ўринлари
учун танлов тарзида уюштирилган
тадбир ҳам айни шундай талабда
ўтди. Бу жараёнда мутахассис
кадрларнинг касбий билими, мала-
каси билан бир қаторда уларнинг
ҳалоллик, поклик, касбига садока-
ти, салоҳияти, маънавий-ахлоқий
киёфаси, интеллектуал савияси
ҳам синовдан ўтказилди. Бит-
та бўш ўринга камида 30 киши
талабгор бўлиб майдонга чиққани
хар жиҳатдан етук ва салоҳиятли
кадрларни танлаш имконини берди.
Энг муҳими, танлов инсон омили-
сиз ўтди. Ишга даъвогарлар бу ерда
таниш-билишлар, ошна-оғайнилар-
га эмас, балки компьютерларга дуч
келишди. Ушбу ҳолис ва билалгон
“машина” билан “тиллашишди,
беллашишди”. Унда шубҳасиз ош-
на-оғайнигарчилик, таниш-билиш-
чиликка ҳуши йўқ компьютерлар
голиб чиқишди. У талабгорларнинг
билими ва иктидори даражаси
ўзгалар томонидан аниқланишига
йўл қўймади. Уни тамомла ҳолис
ва адолатли тарзда ушбу “дастёр”-
нинг ўзи аниқлаб берди. Жараён
жамоатчилик вакилларининг фаол
иштироки ва бевосита кузатувни
остида ўтгани бу борадаги очиклик
ва шаффофик даражасини яна бир
қарра кучайтирди. Бир неча босқич-
сиз ўзи ичига олган мазкур танлов
яқунида муносибларнинг-муносиби
сафга келиб қўшилди. Бу айни
пайтда коррупцияга қарши кура-
шишнинг самарали воситаларидан
бири — кадрларни танлаш ва ишга
қабул қилишнинг очик тизимини
йўлга қўйишда муҳим босқич бўл-
ди. Бу борадаги эскича ва яроксиз
усуллардан бемалол воз кечиш
мумкинлигини исботлади.

Коррупциянинг олдини олишда
барча давлат органлари фаолиятини
амалга ошириш, қарорлар қабул
қилиш ҳамда бошқа барча жара-
ёнларнинг очик ва фақат очик бў-
лишини таъминлаш ҳаётий муҳим
аҳамиятга эга. Давлат хизматлари
Агентлиги Коррупцияга қарши ку-
ралиш менежмент тизими бўйича
ISO 37001:2016 халқаро стандарт
сертификатини қўлга киритгани бу
борадаги ислохотларнинг яна бир
амалий натижасидир.

Бугун Агентлик тизимида
коррупцияга оид хар қандай маъ-
лумотни расмий веб-сайт ҳамда
1148 Ишонч телефони, ижтимоий
тармоқлар ва электрон почта
тизими орқали қабул қилиш, уларни
кўриб чиқиш тартиби жорий этил-
ган. Коррупцияга қарши куралиш,
унинг олдини олиш, манфаатлар
тўқнашувини бошқаришга доир
вебинар ва тренинглар ўтказиш
орқали ходимларнинг соҳага оид
билимларини мустаҳкамлаш иши
энг муҳим ва долзарб вазибалар
қаторидан ўрин олган.

Юқорида зикр этилган ҳолат-
лар, хуқимнингизга ҳавола қилинган
чора-тадбирлар эса коррупция ва
бюрократик тўсиқларни ишончли
ҳамда кафолатли тарзда бартараф
этиш имконини беради. Коррупци-
сиз ҳаёт халқ, давлат ва жамият
турмушининг янада муҳим ва жози-
бадор жиҳатига айланади.

Нодирбек ЖУМАНИЕЗОВ,
Давлат хизматлари
Агентлиги Хоразм вилоят
бошқармаси бошлиғи,
Абдулла СОБИРОВ,
журналист

ЭЪТИБОР берганмисиз, айрим юрtdошларимиз бирор нарсадан норози бўлишса, аввал ўша муаммони ечиш учун масъул бўлган идораларга мурожаат этмасдан ёки маслаҳатлашмасдан, тўғридан-тўғри “ПОРТАЛГА” чиқшини маъқул кўришадими. Бунга сабаб тариқасида эса қўйи поғонадаги мутасаддиларнинг айни мурожаатга юзак қарашлари ёки уни ҳал қилишни исташмасани ва бошқа-бошқа омилларни келтиришимиз мумкин. Балки айрим масъуллар келиб тушаётган мурожаатларни шунчаки ҳуқуқий тушунтириш бериш орқали “ёпиб” келишаётганини туфайли шундай салбий фикр пайдо бўлаётгандир?

ЁЛҒОН МАЪЛУМОТ ундан ким кўпроқ зарар кўради?



Бирок баъзи тоифадаги мурожаатлар ҳам борки, ушбу масалани ҳал этиш мурожаат қилинган ташкилот ваколатига умуман кирмаслиги ҳам мумкин. Шунда мурожаатчи нима дейди? Ана, шунча жойга ёзим, бирортаси ёрдам бермади, фақат ярим коғозда жавоб беради ҳолис, дея нолишга ўтади.

2020 йил 1 апрелдан бошлаб ФХДЭ органлари Давлат хизматлари Агентлигига

бўйсундирилгани боис улар билан боғлиқ мурожаатлар Агентлик ва унинг худудий бошқармаларига келиб тушмоқда. Баъзан шундай мурожаатлар келиб тушадими, улар билан танишиш ва ўрганиш вақтида мурожаатчи нимани мақсад қилганини ҳам аниқлаб бўлмайди. Айримлари эса ўзи ҳақида нотўғри маълумот бериб, ҳолатни ўрганишда тушунмовчиликлар ва ноаниқликларни кел-

тириб чиқаради. Масалан, фуқаро Б.Б жорий йилнинг январь ойида Президент виртуал қабулхонасига кўнғурок қилиб, 1999 йил сентябрь ойида уй шариотида туғилганлиги, ота-онаси вафот этиб кетишгани ва шу сабабли бирор хужжати йўқлигини айтди. Шу билан бирга, туғилишини қайд эттиришда амалий ёрдам беришларини сўрайди.

Шундан сўнг масъул ходимлар мурожаатчи билан боғланиб, ҳолатни аниқлаштириш учун учрашишга таклиф этишади. Бирок Б.Б белгиланган вақтда учрашувга келмайди. Қайта боғланилганда эса ишлари қўплиги боис боролмаслигини ва қўлида ҳеч қандай хужжати йўқлигини маълум қилади. Ваҳоланки, “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш коидалари”нинг 20-бандига кўра, бундай вазиятларда, яъни бирор-бир хужжати йўқ бўлган ҳолатларда туғилганлиқни қайд этиш учун бола туғилганлиги тўғрисидаги тиббий маълумотнома, ота-онанинг паспортни ёки уларнинг ўрини босувчи хужжатлар, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки оталиқни белгилаш ҳақидаги ариза ёхуд никоҳда бўлган онанинг аризаси тақдим этилиши, туғруқхонадан ташқари жойларда ва тиббий ёрдамсиз дунёга келган боланинг туғилганлигини қайд этиш эса участка шифокори томонидан берилган маълумотнома асосида амалга оширилиши белгиланган. Бинобарин, мурожаатчига талаб этилган хужжатларни мустақил тарзда тўплаб, ФХДЭ органига тақдим этса, ўша кунёк хужжатлари расмийлаштириб берилиши айтиб ўтилади. Шунингдек, шахс зарур хужжатларни тўплай олмаса туғилишини қайд эттириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат этиш ҳуқуқи ҳам тушунтирилади.

Юқоридаги мурожаатни ўрганиш мо-
байнида фуқаро “Тушунари, хужжатларни

тайёрлаб бораман”, деган. Бирок кўп ўтмай, у яна Президент виртуал қабулхонасига мурожаат қилиб, аввалги мурожаати эътибор-
сиз қолгани ва ҳеч ким ёрдам бермаганини айтди.

Хўш, унинг қайта мурожаат этишига нима сабаб бўлди, деб ўйларсиз? Биринчи мурожаатни ўрганиш давомида келтирилган яшаш манзили бўйича суриштирилганда маҳалла вакиллари бундай фуқарони танимасликлари ва тўлиқ маълумотга эга эмасликларини билдиришди. Иккинчи марта мурожаат қилгандан сўнг эса Б.Б билан учра-
шишга муваффақ бўлган масъул ходимлар ай-
рим қизик далилларга дуч келишди. Яъни, у ўзи таъкидлаганидек, “ғирт етим” эмас экан. Ота-онаси қонуний никоҳдан ўтмаганлиги, ҳозир отасининг қаердалиги номаълумлиги, онаси эса ҳаёт эканлиги ва бирга туришлари маълум бўлади. Қолаверса, суриштирувлар давомида мурожаатчи 1999 йил эмас, балки 2004 йилда туғилганлиги тиббиёт муассасаси архивида сақланган тиббий маълумотлар орқали маълум бўлади.

Ана шундай чалқашликлар ва нотўғри маълумотлар кўп бўлса-ла, Давлат хизматлари Агентлигининг Қашқадарё вилояти бошқармаси масъуллари ҳамкор ташки-
лотлар ёрдамида барча зарур хужжатларни тўплашда ва мурожаатчининг туғилганлиги қайд этилиб, унга гувоҳнома топирилади. Шундай экан, мурожаатча оид ҳолат бори-
ча айтилса, тезроқ ечим топилади. Ҳақиқат-
ни юзага чиқариш учун кетган вақт зарур хужжатларни тўплашга сарфланган, кўзланган мақсадга тезроқ етилади.

Моҳидил РАВШАНОВА,
Давлат хизматлари Агентлиги Қашқадарё
вилоят бошқармаси етакчи маслаҳатчиси



Судларда қўрилатган ишлар замирида инсонларнинг тақдири ётади. Демак, бу жараёнда тақдим этиладиган ҳар бир ахборотнинг ҳаққонийлиги ва рад этиб бўлмас далилларга асосланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Айнан ушбу муҳим далиллардан бири суд экспертизасидир.

Давлат дастури доирасида Нодавлат суд экспертиза ташкилотлари қандай ҳуқуққа эга?

Суд экспертизаси бу – бевосита суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат процессуал ҳаракатдир.

Сўнги йилларда ушбу соҳани янада ривожлантириш мақсадида муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2019 йил 17 январда “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президентимиз қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан нодавлат суд-экспертиза ташкилотларини ташкил этишга ҳамда улар томонидан 44 та турдаги экспертиза тадқиқотларини ўтказилишига рухсат берилди.

Қарор билан нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари давлат суд-экспертиза муассасалари каби ўз фаолиятини амалга ошириши, бир хил ҳуқуққа эга бўлиши белгилаб қўйилди.

Ушбу қарор асосида нодавлат суд экспертиза ташкилотларида ҳам суд экспертиза тадқиқотлари олиб борилмоқда.

Бу эса давлат суд экспертиза муассасаларидаги иш юкламасининг камайишига, суд-экспертиза тадқиқотларини янада сифатли ўтказилишига ҳамда рақобатни таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 3 февралда қабул қилинган 6155-сонли Фармон билан тасдиқланган “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”нинг 24-бандида Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда вазирлик ва идоралар томонидан нодавлат суд-экспертиза фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш механизмларини жорий этишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш белгиланди.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида:

- нодавлат суд-экспертиза ташкилотларини ташкил этишнинг давлат-хусусий шериклик асосидаги шакллари жорий қилиши;
- суд-экспертиза соҳасида илмий-тадқиқот ишларига кўмаклашнинг самарали механизмларини жорий этиши;
- нодавлат экспертиза фаолиятини мувофиқлаштириш, тартибга солиш ва назорат қилиш механизмларини белгиланган назарда тутилиши белгилаб қўйилди.

Мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши бир қатор муҳим ижобий ўзгаришларга хизмат қилиши аниқ. Жумладан, суд-экспертиза соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари ривожлантирилади, суд-экспертлик фаолиятига фан ва техника ютуқлари кенг жорий қилинади, нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятида давлат-хусусий шериклик шакллари жорий этилади.

Миркомил БОЗОРОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Энди маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар жиноят судида қўрилади

Сўнги йилларда суд – ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотлар одил судловга эришиш даражасини янги босқичга кўтармоқда. Жумладан, 2021 йил 1 январдан жорий этилган “Бир суд – бир инстанция” тамойили суд қарорларининг адолатли, қонуний ва барқарорлигини таъминлашда асосий мезон бўлади.

Хусусан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш ваколати маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилди. Шунингдек, “Бир суд – бир инстанция” тамойили бўйича суд ишларини назорат тартибда қўриш институти тугатилди. Ушбу ислохотларни амалга ошириш борасида Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Айталик, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги “Суд қарорларини қайта қўриш институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунига асосан ушбу кодекснинг йигирмадан ортиқ моддасига ўзгариш ва

қўшимчалар киритилган бўлса, жиноят ишлари бўйича суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарорини қайта қўриш бўйича иш юритиш тартиби янги тахрирда баён этилди.

Унга қўра, муқаддам суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан кассация шикоят (протести) суд қарорининг кўчирма нусхаси топширилган ёки олинган вандан эътиборан икки ой ичида берилиши мумкин бўлган бўлса, эндиликда биринчи инстанция судининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан апелляция шикоят қарор ўйиб эшиттирилган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, ўзига нисбатан суд қарори чиқарилган шахс ва жабрланувчи томонидан эса, қарорнинг кўчирма нусхалари уларга топширилган ёки улар томонидан ушбу кўчирма нусхалар олинган кундан эътиборан худди шу муддатда берилиши мумкинлиги белгиланди.

Бундан ташқари, суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан шикоят берган шахс шикоятни қайтариб олиши мумкинлиги ваколати берилди.

Ушбу қонун билан апелляция инстанцияси суднинг ваколатлари ҳам белгиланиб, унга биноан биринчи инстанция судининг қарори устидан апелляция шикоятини қўриб чиқиш натижаларига қўра, апелляция инстанцияси суди қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

1) биринчи инстанция суди қарорини ўзгаришсиз, шикоятни (протести) эса қаноатлантирмай қолдириш тўғрисида;

2) биринчи инстанция суди қарорини, шунингдек органининг (мансабдор шахсининг) қарорини бекор қилиш ва ишнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баёнома тузган органга қайтариш ҳақида;

3) биринчи инстанция суди қарорини ўзгаришсиз, шикоятни (протести) эса қаноатлантирмай қолдириш тўғрисида;

4) биринчи инстанция суди қарорини бекор қилиш ва иш юритиш тугатиш тўғрисида;

5) жазо чорасини қучайтирмаган ҳолда уни маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатида назарда тутилган доирада ўзгаришсиз ҳақида;

6) апелляция шикоятни қайтариб олиниши муносабати билан апелляция иш юритиш тугатиш тўғрисида.

Ушбу қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар ҳам киритилди.

Жамшид САДИНОВ,
Тошкент вилояти суди судьяси

Нотариат институтини рақамлаштирилган моделга ўтказиш, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнларини тубдан соддалаштириш мақсадида яратилган “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Нотариат соҳаси такомиллашмоқда



Оила кодексининг 23- ва 24-моддаларига қўра, никоҳ даври мобайнида биргаликдаги сотиб олинган кўчар ва кўчмас мулкларга нисбатан эр-хотиннинг тенг нисбатда эгаллик ҳуқуқи мавжуд бўлиб, мол-мулк сотилаётганда, ҳақда қилинаётганда, мулкни бошқариш ва тасарруф этиш учун бош ишончнома берилаётганда ва бошқа нотариал ҳаракатларда мулк эгаси турмуш ўртоғининг розилик аризаси керак бўлади. Ушбу розилик аризаси олинмасдан туриб, мулкни тасарруф этишга йўл қўйилмайди.

Мерос ва васиятномалар очиш, олди-сотди ва ҳақ шартномаларини тузиш, қонуний вакилик, никоҳ шартномасини бекор қилиш каби нотариал ҳаракатлар расмийлаштирилаётган вақт давомида фуқароларнинг никоҳдан ўтганлигини тўғрисидаги маълумотни аниқлаштириш учун давлат ҳизматлари марказларига мурожаат қилиш лозим бўлади. Шунинг учун фуқароларнинг никоҳ ҳолатлари ҳақида маълумотларни “Нотариус” маълумот тизими орқали давлат хизматлари марказлари билан электрон ахборот алмашув орқали олиш мумкин.

Бош ишончнома орқали ҳаракат қилаётган вакил кўчар ёки кўчмас мулкни ишонч билдирувчининг иштирокисиз олди-сотди шартномаларини тузиши мумкин. Бунда, ишончнома билдирувчининг турмуш ўртоғи томонидан берилган розилик аризаси ва ишончнома бланкалари керак бўлади. Бироқ ишончнома берган шахс, яъни мулкнинг эгаси вафот этган, бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса ва унинг вакили бундан ўз вақтида тегишли равишда хабардор қилинмаган бўлса, у томонидан берилган ишончнома ўз кучини йўқотади, демакки, вакил томонидан тузилган шартномалар ҳам бекор бўлади. Бунинг сабаби шундаки, юқоридаги уч ҳолатда шахсга нисбатан унинг меросхўрлари, ҳомийлари, васийлари ва яқин қариндошларининг мулкни тасарруф қилиш ҳуқуқи қонун билан таъминланади. Бундай вазиятда низо келиб чиқмаслигининг олдини олиш учун, суд томонидан шахсларнинг вафот этганлиги, бедарак йўқолганлиги ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги ҳамда уларнинг мол-мулклари қонуний тартибда тегишли шахсларга топширилганлиги тўғрисида маълумот олиш учун миллий электрон судлов ахборот тизими “E-SUD” билан “Нотариус” маълумот тизими ўртасидаги электрон ахборот алмашинуви йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мамлакатимизда мавжуд бўлган электрон тизимларни такомиллаштириш бўйича Европа Иттифоқи мамлакатлари тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсақ, Данияда электрон сертификатланган ҳужжатлар ва электрон архивлар 2000 йилда ташкил этилган бўлиб, фуқаролар онлайн нотариус электрон тизимидан унумли фойдаланадилар.

Финляндияда нотариус электрон тизимига мурожаат қиладиган кўпчилик фуқаролар ўзлари мансуб давлатда эмас, балки Европанинг бошқа мамлакатда истиқомат қиладилар. Хусуса, 8 миллион европалик ўз она ватанида яшамайди, кўчмас мулкнинг 2,5 миллиондан ортиқ объекти бошқа давлатда яшовчи фуқароларга тегишлидир.

Ҳар йили Европа Иттифоқи давлатларида хорижий меросхўрларга тегишли активларнинг қиймати 123 миллиард евродан кам бўлмаган тўрт юз эллик мингдан ортиқ мерос иши очилади, янги тузилган никоҳларнинг 13 фоизи чет эллик ҳуфтликлар ўртасида тузилади, ҳозирги кунда Европа Иттифоқида 16 миллион чет эллик ҳуфтлик оилалар рўйхатдан ўтган.

Европа Иттифоқи мамлакатларида меросхўрлар ва васиятномалар, ишончномалар, компания, фирмалар, бенефициар ташкилотлар, кўчмас мулклар электрон реестри жорий этилган.

Азамат ХУЖАНАЗАРОВ,
Тошкент давлат юридик университети талабаси

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2021 йил 3 февралдаги “2021 йил — “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”-ги Фармони билан “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастури” тасдиқланди. Дастурда вояга етмаганларнинг — 18 ёшгача бўлган болаларнинг таълими олиши, аниқ бир касбни эгаллашига доир механизмлари янада такомиллаштиришга оид вазифалар белгиланди. Бу вазифалар психологик таълим ва тиббий қўллаб-қувватлашнинг ҳам тақозо этмоқда.

Вояга етмаганлар иши билан ким шуғулланиши керак?

Тахлилларга кўра, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган давлат органлари ва ташкилотларнинг ваколатларида ортиқча ҳамда айримларини фаолият хусусиятига хос бўлмаган йўналишлар ва такрорийликни келтириб чиқарувчи қондалар мавжуд. Хусусан, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида васийлик ва ҳомийлик бўйича фаолият туман, шаҳар халқ таълими бўлиmlлари томонидан — вояга етмаганларга нисбатан, тиббиёт бирлашмалари эса — суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқатсиз бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга, шунингдек, соғлигининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга нисбатан амалга оширилиши белгиланган. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги низомнинг 2-бандида эса васийлик ва ҳомийлик бўйича фаолият қонунда белгиланган органлардан ташқари, соғлигининг ҳолатига кўра ҳомий тайинлашга муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга нисбатан — туман, шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари

томонидан амалга оширилиши қайд этилган. Бу ҳолат эса амалиётда васийлик ва ҳомийлик ваколатларини амалга оширувчи ташкилотлар функцияларини реализация қилиш масаласида муайян номувофиқликлар келтириб чиқариши мумкин.

Мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ягона тизимнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун ижросини амалга оширилиши устидан назорат қилиш ваколати алоҳида давлат органига юклатилмаганлиги, унинг амалиётда самарали қўлланилишига таъсир кўрсатади.

Шу ўринда, ривожланган давлатлар таърибасига назар ташласак, соҳага оид қонунчилик такомиллаштирилиб, ихтисослашган органлар ташкил этилганлиги ва бу борадаги ишлар самарадорлигини баҳолаб бориш тизими йўлга қўйилганлигини кузатиш мумкин. Масалан, Францияда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими икки таркибий қисмдан иборат бўлиб, “ташқилий ҳимоя” доирасида профилактик ишлар, “ҳуқуқий ҳимоя” доирасида эса болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ишлар амалга оширилади. Қолаверса, мам-

лакатнинг “Номарказлаштириш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Бош кенгаши (Департамент) ва унинг ҳудудий бўлинмаларига юклатилган бўлиб, масалага бевосита дахлдор бўлган оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, мактаб ўқувчилари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, вояга етмаганларга психологик ёрдам кўрсатиш каби хизматлар болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланади.

Буюк Британияда эса вояга етмаганлар ҳуқуқлари бўйича “Болалар тўғрисида”ги қонун, вояга етмаганларни фостер тарбия масканларига жойлаштириш қоидалари каби қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Буюк Британиядаги қонунчилик ва маъмурий тизимлар бирмунча марказлашган бўлишига қарамай, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ҳудудларида ижтимоий сиёсат юритиш борасида муайян ваколатларга эга. Бундан келиб чиқадики, бу давлатнинг ҳар бир ҳудуди носоғлом муҳитдаги болалар муаммоларини ҳал қилиш бўйича ўзининг ижтимоий стратегиясини мустақил равишда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятига эга ҳисобланади.

АҚШда эса вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, болаларнинг ижтимоий ҳаётини


яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширувчи ҳамда фарзанд асраб олиш масалаларини тартибга солувчи васийлик ва ҳомийлик органи ваколатларига эга бўлган вояга етмаганлар билан ишлаш бюрослари ташкил этилган. Шунингдек, мазкур давлатда жойларда фаолият юри-тадиган вояга етмаганлар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган марказларга кенг ваколатлар берилган.

Шундай экан, тилга олинган таҳлиллардан келиб чиқиб, бу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан айрим таклифларни билдирмоқчимиз. Яъни, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятининг маълум йўналишларини ихтисослаштириш орқали уларнинг вояга етмаганлар ишларини бошқариш соҳасидаги иштирокни аниқ белгилаб қўйиш, васийлик ва ҳомийликни белгилаш масаласини васийлик ва ҳомийлик органлари ваколатига ўтказиш ҳамда бу орган аъзоллигига номзодларни мажбурий равишда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил билан келишиш тартибини жорий этиш, васийлик ва ҳомийлик органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш, амалга қиритиш, фарзандликка олувчи ота-

оналар, васий ва ҳомийларни амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида уларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ишлаб чиқиш, бедарак йўқолган болалар бўйича электрон маълумотлар базасини шакллантириш, зўравонликка учраган болалар учун онлайн платформа ташкил қилиш, шунингдек, тазйиқдан жабрланган болаларга ҳимоя ордери бериш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда ҳар бир зўравонликка учраган боланинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қандай даражада тикланганлиги устидан жамоатчилик назоратини ўрнатилиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, келгусида мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида бу соҳага масъул давлат органлари ва ташкилотларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш, уларнинг вазифа ва функцияларини оптимизлаштириш ҳамда ушбу соҳани мувофиқлаштиришга ихтисослашган ягона давлат органини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўлқин ТУРСУНОВ,
“Мадад” муассаса шаклидаги
нодавлат нотижорат
ташкilotи ижрочи директори



Сайлов қонунчилиги, сиёсий партиялар фаолияти, бу борада нималар ўзгарди?

САЙЛОВ қонунчилигини такомиллаштириш, фуқароларнинг сайлашга бўлган ҳуқуқларини мустаҳкамлаш мақсадида 2021 йилнинг 8 февраль куни “Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонун билан Сайлов кодекси ва бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Унга кўра, Ўзбекистон Президентлиги сайлов, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишлича улар-

нинг конституциявий ваколат мuddати тугайдиган йилда — октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилиши белгиланди. Илгари мазкур сайловлар декабрь ойида ўтказилиши белгилаб қўйилган эди.

Шунингдек, аввал барча сайлов участкалари туман ва шаҳарлар ҳокимликлари тақдирномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилган бўлса, эндиликда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловини ўтказиш бўйича сайлов участкалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг тақдирномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан, туман, шаҳар

Кенгашлари депутатлари сайловини ўтказиш бўйича сайлов участкалари эса туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан тузилади.

Бундан ташқари, сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш белгиланган тартибда фақат ана шу мақсадлар учун ажратиладиган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Унга кўра, сиёсий партияларни сайловда бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштириш ва моддий жиҳатдан ўзгача тарзда қўллаб-қувватлаш тақиқланади. Партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг бир номзод ҳисобига тўғри келадиган миқдори Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади. Сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағлари шу партиядан кўрсатилган номзодлар рўйхатга олингандан кейин рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб варағига белгиланган тартибда ўтказилади.

Қонунчилик қиритилган ўзгаришга биноан, эндиликда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидан ташқари халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари тузилмайди.

Чет давлатларда бўлиб турган Ўзбекистон фуқароларининг ҳам ўз мамлакатиде бўлиб ўтаётган давлатнинг вакиллик

органларига сайловларда фаол иштирок таъминланиши учун уларни сайловчилар рўйхатига қиритиш билан боғлиқ янги нормалар қонунчиликка қиритилди.

Унга мувофиқ, Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларида сайловчиларнинг рўйхати мазкур муассасалар бошлиқлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади. Тузилган участка сайлов комиссиялари чет давлатларда турган фуқароларни сайловчилар рўйхати билан танишиш усули, жойи ва вақти тўғрисида хабардор қилади.



Чет давлатларда турган фуқаролар ўзларини сайловчилар рўйхатига қиритиш тўғрисида сайловдан 15 кун олдин ёзма шаклда Ўзбекистоннинг дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссияларига ёки Ташқи ишлар вазирлигининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда мурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларида овоз бериш сайлов куни ушбу сайлов участкалари жойлашган ердаги маҳаллий вақт билан соат 08.00 дан 20.00 гача ўтказилади.

Лобар РОЗИМОВА,
Адлия вазирлиги қошидаги “Адолат”
миллий ҳуқуқий ахборот маркази
масъул ходими

“ХОРАЗМ ИРМОНТАЖ”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ



Юртимиз аҳли учун муҳим ижтимоий аҳамиятга молик кўплаб бино ва иншоотлар, маданий-маиший масканларни бунёд этишига самарали кўмаклашаётган


“ХОРАЗМ ИРМОНТАЖ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

меҳнатчиларининг шу кунлардаги жўшқин гайрати ютуқлар салмогини ошириш омилига айланыпти. Шовот туманининг “Катқалъа”, “Янги турмуш”, “Ботирлар” маҳалласида жами 17,5 километр масофа бўйлаб барпо қилинган янги ичимлик сув қуури, мазкур тумандаги ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган таълим маскани учун қуриб берилган кўркам қўша бино шу янглик меҳнат жўшқинлигининг яна бир намунаси бўлди. Айни дамларда бунёдкорлар қалбида анънавий Наврўзнинг кўтаринки руҳи кезаяпти. Жамоа халқимизнинг ушбу қадимий ва байрамини шодиёналик билан нишонлар экан, айни пайтда юртдошларимизни самимий табриклар, ишларига ривож, омад, турмушига тўкинлик, бахт-саодат тилайди.

*Наврўзнинг кўтаринки руҳи қалбларингизга шодлигу қувонч, фахр-ифтихор туйғуларини бахш этсин!
Айёмингиз муборак бўлсин!*

“САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ”

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



Матлақатимиз аҳлини ҳақда
хорижийлик теҳмонларни,
шунингдек, “Ҳудудий электр
тармоқлари” акциядорлик
жамияти тизимида
теҳнат қилаётган барча
ҳаққасбларни юртимиз узра
кезаётган, энгиланиши ва
яшарини айёми Наврӯзи олам
билан туборақбод этади.

Милағимиз –
ҳақюртларимизни баҳорий
хушқайфият ва кўтаринкилик
асло тарқ этмасин.



Ватанимиз равнақи, тинч-
лиги ва осойишталиги йўли-
да самарали меҳнат қилиш,
юртимиз бағрини гўзал ва
кўркам бино-иморатлар,
иншоот ва корхоналар би-
лан безашда “Грант дизайн
строй” хусусий корхонаси-
нинг ҳам муносиб ўрни бор.
Жамоа анъанавий Наврўз
айёми муносабати билан
юртимиз аҳлини ва барча
ҳамкасбларни, қурувчи-бу-
нёдкорларни самимий мубо-
ракбод этади.

Ватан меҳри, яратувчилик
ҳисси қалбларингизни ҳеч қа-
чон тарк этмасин!

“ГРАНТДИЗАЙНСТРОЙ”

хусусий корхонаси

Сир эмаски, сўнгги беш йил мобайнида мамлакатимизда мактабгача таълим равнақиға бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мазкур эзгу ишнинг бош ташаббускори эса албатта Президентимиз Шавкат Мирзиёев. Буни Юртбошимизнинг "Боғчага борган бола билан боғчага бормаган бола ўртасида фарқ бўлади. Бу боланинг дунёқараш, психологияси, юриш-туриши, одоб-ахлоқида яққол намоён бўлади" деган сўзлари ҳам тасдиқлайди.

Дарҳақиқат, яқинда қишлоққа борганимда бу борадаги янгиланиш ва ўзгаришларга ўзим ҳам гувоҳ бўлдим. Биз катталар ўз сўхбатимиз билан бўлиб, набирамга эътибор бермаган эканман. Бир маҳал у кутилмаганда ёнимга келиб, билгимдан тортиди, қўшни хонага етаклади.

— Бобо қаранг, бу бола олти ёшда экан. Ҳалигача санашни ҳам, харфни ҳам танимас экан, - дея ёнидаги ўз тенгига ишора қилди. Мен боғча опамдан ўрганган ҳарфларни, санашни унга ўргатаяман.

Шу пайт хонага акам кириб келди. Бўлиб ўтган воқеадан хабар топиб, шундай деди:

— Боғчани фойдасини қара, ука! Набиранг ёш бўлишига қарамай жуда зукко экан, тили бийрон мактаб болаларидан қолишмайди. Нима қилса ҳам янги минг йилликнинг болаларида. Ўғлимга болангни боғчага бер, деб кўп гапирдим. Лекин унамади. Боласини кизгонди. Ўн беш йил тирноққа зор бўлиб, уни толган эди-да. Мактабга боргунича ҳали бир йил бор, боғчага бермасан бўлмасов. Қишлоқда замонавий боғча бор, шунга берамиз. Набирангни кўриб ҳавасим келди. Албатта, бола тарбияси

Шухрат РАҲМОНОВ, Самарқанд вилояти мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи:

“БОЛАЛАР КЕЛАЖАГИМИЗ

уларни комилликка элтиш эса биз учун шараф



ва камолотида боғчанинг ўрни бекиёс. Давлатимиз раҳбарининг юксак эътибори туфайли сўнгги уч йилда вилоятимиздаги мактабгача таълим ташкилотларини қуриш, реконструкция қилиш учун Республика бюджетидан 286 миллиард сўм, маҳалла бюджет ҳисобидан эса 57 миллиард сўм маблағ ажратилди. Натижада 19 та янги боғча қурилди, 142 таси

реконструкция қилинди ва 18 таси мукамал таъмирланди. Энг муҳими, мазкур боғчаларнинг айримлари вилоятимизнинг Ургут ва Нуробод туманларидаги олис тоғли қишлоқларда жойлашган.

Шуни айтиш керакки, болаларни мактабгача таълимга қамровини янада кенгайтириш мақсадида "Ўзавтосаноат" уюшмаси билан ҳамкорликда "Ақлвой" махсус жиҳозланган автобуслар қатнови ҳам йўлга қўйилди. Яъни жорий йилда йўлга қўйилган бу қатнов натижасида Пастдарғом, Нуробод, Қўшрабат ва Ургут туманларида яшовчи қарийб 500 нафардан ортиқ болажонлар боғчага келиб-кетмоқда. Улар 24 та гуруҳга бўлинган. Умуман олганда, 2017 йилда қамров 20 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 63 фоизга етди. Жорий йилда эса мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлмаган маҳаллаларда фойдаланилмаётган 16 та бино-иншоотларда 64,4 миллиард сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилиб, қўшимча 1550 ўринли янги болалар боғчалари ташкил этилади. Айтилик, Ургут туманидаги энг олис, қўшни Тожикистон Республикаси

билан чегарадош "Вағашти", "Чеп" ва "Камангарон" қишлоқларида 3 та янги болалар боғчаси қурилиб, жорий йилнинг иккинчи чорагида фойдаланишга топширилади.

Шунингдек, бу йил 10.000 қувватга эга яна 400 та ана шундай оилавий нодавлат боғчалари қурилади. Қолаверса, 2021 йилда давлат хусусий шерикчилик асосида 10 та 1055 ўринли ва 1550 ўринга мўлжалланган 15 та хусусий мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилади. Натижада 3-7 ёшдаги болалар қамрови 70 фонзга етади.

Эътироф этиш керак, 6 ёшли болажонларни бепул мактаб таълимига тайёрлашнинг йўлга қўйилгани боланинг билим пойдевори нақадар мустаҳкам бўлишини таъминлайди. Шу маънода айтсак, 233 та гуруҳга 7000 нафар 6 ёшли болалар қамраб олинди. Бу борада янада самарага эришиш учун Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб

қувватлаш вазирлиги ҳамда Мактабгача таълим вазирлиги ўртасида ҳамкорлик Меморандуми имзоланган.

"Рақамли Ўзбекистон-2030" ҳамда "Илк қадам" Давлат дастурлари доирасида "Илм йўли" вариатив дастурининг мазмун-моҳияти педагог ва тарбиячилар онгига синдирилди.

Бугун тизимда меҳнат қилаётган педагог ва тарбиячиларнинг дунёқараш ҳар жиҳатдан мукамал шакланган, тафаккури замон талабига мос бўлиши шарт. Негаки, бугунги кичкинтойлар жуда зукко, керак бўлса, ахборот коммуникация технологиялари билан ишлашда тарбиячиларини ҳам ортда қолдирадиган даражада. Педагог ходимларнинг билим ва малакаларини ошириш учун Самарқанд давлат университети қошида қайта тайёрлов курслари очилди. Бугунгача 2000 нафардан зиёд боғчада ишлаётган ходим қайта тайёрловдан ўтди. Шунингдек, 2021 йилда университетнинг "Мактаб таълими", "Муסיқий таълим", "Жисмоний тарбия", "Психология" ва "Филология ва хорижий тиллар" йўналишини битирадиган 521 нафар ёшларни боғчаларга ишга жойлаштириш кўзда тутилган.

Яна бир гап. Бугун болаларни сифатли овқатлантириш масаласи ҳам алоҳида эътиборда. Бунинг учун тажриба-синов тарикасида Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларида "Аутсорсинг" усули жорий қилинди. Келгусида буни барча туманларда ҳам жорий этамиз.


Албатта, эришилаётган ютуқлар билан бирга ҳали камчиликларимиз бор. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Энг муҳими, уларни тез орада бартираф этиб, Президентимизнинг бугунги эътиборига муносиб тарзда ишлашимиз ва ишончини оқлашимиз керак.

Сўхбатни "Инсон ва қонун" муҳбири Азим ҚОДИРОВ ёзиб олди.



2021 йилнинг 24-26 февраль кунлари “�збекистон почтаси” АЖ Мирзачўл туман филиалида ҳуқуқни қўллаш амалиёти, меҳнат қонунчилиги нормаларига риоя этилиши аҳоли мониторинг қилинди.

“Почтачи”лар уч ой ПУЛСИЗ ИШЛАГАН




Меҳнат кодексининг 154-моддасида меҳнатга ҳақ тўлаш кафолатлари кўрсатилган бўлиб, унга кўра, иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу Кодекснинг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шартлиги белгиланган бўлса-да, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Мирзачўл туман филиали ходимлари — Абдужалил Алабов, Турсун Утарбаев, Гулчеҳра Эшмуратова ва Ирода Раҳмоноваларга 2020 йилнинг декабрь ойдан 2021 йилнинг 24 февраль кунига қадар ойлик маошлари тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Меҳнат кодексининг 161-моддасида меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланиши ва ҳар ярим ойда бир маротабадан кам бўлиши мумкин эмаслиги, шунингдек, ҳақ тўланадиган кун дам олиш кунни ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҳақи шу кун арафасида тўланиши лозимлиги, жамоа шартномасида иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечикканлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

Шунга кўра, Мирзачўл туман адлия бўлими томонидан “Ўзбекистон почтаси” АЖ Жиззах филиалига тақдимнома киритилди ва юқорида номлари зикр этилган ходимларга 6 миллион 125 минг 775 сўм иш ҳақи шу куннинг ўзига тўлаб берилиши таъминланди.

Ўлмас АБДИЕВ,
Мирзачўл туман адлия
бўлими бошлиғи

2017 йил 8 февралда Президентимизнинг “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори эълон қилиниб, унда қонун ҳужжатларини аҳолига ва ижрочиларга ўз вақтида етказишнинг самарали механизмини яратиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Мазкур қарор билан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, уларга киритилган тузатишларни ижрочиларга ўз вақтида етказишни таъминлаш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш, шунингдек, тегишли қонун ҳужжатлари матнидан монеликсиз фойдаланиш имконини яратиш давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди ва соҳада яхлит тизим яратилди.



АДЛИЯ МУАММОЛАРНИ “МАҲАЛЛАБАЙ” ЎРГАНМОҚДА

ИШТИХОН туман адлия бўлими томонидан “Маҳаллабай” аҳоли муаммоларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш ишлари амалга оширилмоқда.

“Равот” маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Равот” қишлоғида яшовчи фуқаро Лола Қўличеванинг хонадонига бориб, муаммолари ўрганилганда, фуқаро 2006 йилда тутилган фарзанди I-гурух ногирони эканлиги ва фарзанди мустақил ҳаракат қила олмаслиги, фарзандига ногиронлик аравачаси олиб беришда ҳамда ногирон фарзандига қараб турган вақти пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисобланишида амалий ёрдам сўраб, мурожаат қилди.

Туман адлия бўлими ходимлари томонидан мазкур муаммо қонуний ўрганилиб, Л.Қўличеванинг фарзандига ногиронлик аравачаси, ўзига эса ногирон фарзандига қараб турган йиллари бюджетдан ташқари пенсия жамғармасида иш стажига қўшиб берилиши таъминланди.

Акмал ЖОВЛИЕВ,
Иштихон туман адлия бўлими бош
маслаҳатчиси

ҚОНУН МОҲИАТИНИ, АВАЛЛО ОДДИЙ ХАЛҚ ТУШУНИШИ КЕРАК Биз бунга замин яратишимиз зарур

Жумладан, Юртбошимизнинг қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида қабул қилган қарори натижасида, ижрочилар ва аҳолини қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги ҳуқуқий ахборот билан таъминлашнинг сифатини оширишга, шунингдек, соҳадаги ишларни ташкил этишга принципиал янги ёндашувларни ишлаб чиқишга эришилди.

Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш борасида Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳисобот даврида 932 та электрон шаклда келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар — 40 та Ўзбекистон Республикаси қонунлари, 43 та Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, 184 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, 432 та Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари (фармойишлари) 224 та вазирлик, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқ ҳамда қарорлари 78 та давлат органлари ва бошқа ташкилотларга етказилди.

Аҳоли ва ижрочиларни ҳуқуқий ахборотдан хабардор қилиш мақсадида вилоятдаги давлат органларида мавжуд

212 та юридик хизмат ходимлари билан биргаликда “Сурхондарё юристлари” телеграм гуруҳи ташкил этилиб, ушбу гуруҳга қабул қилинаётган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни брифинг материаллари (слайд, тарқатма материаллар) билан бирга жойлаштириб, юристларга ўз ташкилотидан қонун ҳужжатларини тарғиб қилиши ва натижасини тегишли ҳужжат ҳамда суратлари билан гуруҳга жойлаштириб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, қабул қилинаётган ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат, уларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг барча давлат органлари ва ташкилотларига, ижрочиларга, ҳар бир маҳалла ҳамда аҳоли учун қулай бўлган усулларда етказиб берилиши жамиятда қонун устуворлигига, ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражасини янада юксалтиришга хизмат қилиши аниқ.

Сунатилло АБДУРАСУЛОВ,
Сурхондарё вилояти адлия
бошқармаси бошлиғи биринчи
ўринбосари

ЯНГИҚЎРҒОН туман адлия бўлими томонидан туман мактабгача таълим бўлимига қарашли 20-сонли ҳамда 37-сонли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг бир гуруҳ тарбиячилари томонидан қилинган мурожаат қонун доирасида ўрганилди. Мурожаат муаллифлари 2020 йилнинг март ойдан буён белгиланган устама ҳақларини олмай келаётганидан норозилигини баён этган.

ТАРБИЯЧИ ТАЛАБ КИЛДИ

Туман мактабгача таълим бўлимига қарашли 20-сонли мактабгача таълим ташкилотининг 95 нафар ва 37-сонли мактабгача таълим ташкилотининг 50 нафар ходимига Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 апрелдаги 232-сонли қарори асосида белгиланган устама ҳақлари 2020 йилнинг март ойдан буён тўлаб берилмаётганлиги аниқланди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сонли қарорига асосан лавозим маошларига тўлаб берилмаётган устама ҳақлари 2020 йилнинг март ойдан буён тўланмай келинаётганлиги ҳолатига ҳам аниқлик киритилди.

Юқоридаги қарорга асосан мактабгача таълим ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари ва базавий тариф ставкаларига 100 фоиз миқдоридagi қўшимча ҳақ моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ҳамда директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан эмас, балки бюджет маблағлари ҳисобидан тўланиши кўрсатилган.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўрганиш натижасида жами 145 нафар тарбиячига 2020 йилнинг март ойдан буён тўланмаган устамаларни тўлаб берилиши юзасидан туман мактабгача таълим бўлимига тақдимнома киритилди.

Натижада туман мактабгача таълим бўлими томонидан тақдимномада кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилиб, ходимларга 310 миллион сўм устама ҳақи тўлаб берилди.

Жаҳонгир ЙЎЛДАШЕВ,
Янгиқўрғон туман адлия бўлими бошлиғи

АСАКА туман адлия бўлимига туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидани юқумли касалликлар шифохонасида ҳамшира бўлиб ишловчи фуқаро Т.Долимова мурожаат қилди.

Коронавирус инфекциясини ЮҚТИРИБ ОЛГАН ҲАМШИРА НИМАДАН НОРОЗИ?

У шифохонада 2020 йилнинг октябрь ойида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш доирасида беморлар билан ишлаган вақтида коронавирус инфекцияси юқтириб олганлигини, натижада оила аъзоларига ҳам инфекция юқтирилганини, мазкур шифохонада даволаниб чиққанлигини, аммо ўзининг ва оила аъзоларининг соғлиғига зиён етганлиги учун ҳеч қандай моддий ёрдам берилмаганлигини маълум қилиб, ҳозирда амалдаги қонун ҳужжатларига асосан белгиланган имтиёزلарни олишда амалий ёрдам сўраган.

Шунга кўра, туман адлия бўлими томонидан фуқаро Т.Долимованинг мазкур вазирлар буйича Асака туман

санитария-эпидемиология осойишталик марказига сўровнома юборилиб, ўрганилганда, Т.Долимова коронавирус инфекцияси билан касалланган беморлар билан ишлаган вақтда 4 донна махсус форма, 4 донна тиббий ниқоб ва тиббий қўлқоп билан таъминланиши керак бўлса-да, лекин иш берувчи томонидан таъминланмаганлиги оқибатида у коронавирус инфекциясини иш жараёнида юқтириб олганлиги аниқланган.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 211-моддасида “Барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак, бундай шароитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбури-

ятига қиради, иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жавобгар бўлади”, деб кўрсатилган.


Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 26 мартдаги Қарориди “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш доирасида беморлар билан ишлаган вақтида коронавирус инфекцияси юқтириб олган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга тўланадиган бир марталик тўлов миқдори 100 миллион сўм”, деб белгиланган.

Шуларга асосан, туман адлия бўлими томонидан Асака туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига таклиф киритилди ва туман тиббиёт бирлашмаси мудирига нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 7 баравари — 1 миллион 715 минг сўм миқдорида жарима жазоси тайинланди. Фуқаро Т.Долимовага Президентимизнинг юқоридаги қарори талабларига асосан бир марталик 100 миллион сўм тўловни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Асака туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Илҳом АҲМЕДОВ,
Асака туман адлия бўлими

ЕТТИ ЙИЛДАН СЎНГ ОҚЛАНГАН ТАДБИРКОР

БУНДАН 7 йил муқаддам 2013 йил 4 июлда жиноят ишлари бўйича Сергели туман суди Шайхонтохур туманида яшовчи тадбиркор — “EXPRESS PROYEKT DIZAYN” хусусий корхонаси раҳбари Бахтиёр Хоназаровни Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топиб, унга жазо тайинлаган. Мазкур жиноят иши доирасида хусусий корхона раҳбарининг ўринбосари Мохира Абдукаримова, бош ҳисобчиси Камола Эргашева ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошқаруви раҳбарининг ўринбосари Санжар Шукуровлар ҳам судланган.



Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ҳўш, тадбиркорнинг айби нима эди, нега у жазога тортилди?

Суд ҳукмида қайд этилишича, Бахтиёр Хоназаров 2007 йил 24 апрелдан эътиборан “EXPRESS PROYEKT DIZAYN” хусусий корхонаси раҳбари лавозимида ишлаб келган. Ана шу даврда — Тошкент шаҳар ҳокимининг 2012 йил 2 июлдаги қарорига асосан шаҳардаги “ORXIDEYA-LYUKS” масъулияти чекланган жамиятига Сергели тумани, Сергели-5 даҳаси, 105-уй ёнида жойлашган, майдони 0,4 гектарли ер кўп қаватли тураржой биноларини қуриш учун ажратилди. Натигада 2012 йил 30 июль кунини мазкур жамият билан хусусий корхона ўртасида лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш юзасидан баҳоси 20 миллион сўмлик шартнома тузилди. Ушбу шартномага асосан “EXPRESS PROYEKT DIZAYN” хусусий корхонаси “ORXIDEYA-LYUKS” МЧЖ томонидан тўлов

амалга оширилган кундан бошлаб 60 кун — 2012 йил 28 сентябрга қадар лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш мажбуриятини олган. Бироқ Б.Хоназаров ишнинг ўз муддатига бажармаган. Суд материалларида қайд этилишича, “ORXIDEYA-LYUKS” МЧЖ раҳбари Ш.Эшниева лойиҳа-смета ҳужжатларини тез-

латиб бериш ҳамда Тошкент шаҳар давлат экспертизаси бошқармаси ва бошқа тегишли идоралардан рўйхатдан ўтказиб беришни ваъда қилиб, яна қўшимча 40 миллион сўм миқдорда пул маблағини таъмағирлик йўли билан пора сифати-

да талаб қилган. Шундан сўнг 2012 йилнинг август ойи бошларида Тошкент шаҳрининг турли жойларида Ш.Эшниева билан ўзидан 26 миллион сўм, ўша йилнинг 26 декабрь санасига қадар эса 10 миллион сўм пулни унинг ўринбосари Ш.Хусанов орқали олган. Кейин жиний йўл билан топилган ана шу даромадини легаллаштириш мақсадида пуллари Чилонзор тумани 7-даҳада жойлашган “Спорт ва соғломлаштириш мажмуаси” биносини қуриш учун сарфлаган.

Бундан ташқари, Бахтиёр ака ўзининг ўринбосари Мохира Абдукаримова ва бош ҳисобчиси Камола Эргашевалар билан жиний йўл билан қурилган ҳолда мажмуада спорт-соғломлаштириш хизматларини кўрсатиш ҳамда бир нечта спорт турлари бўйича тўғарақ машғулотларини ўтказишдан тушган нақд пуллари банкка топширмай, назорат-касса машинаси ёки ҳисоб-китоб терминалидан фойдаланмай, хизмат кўрсатиш қондаларини бузган.

Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошқаруви раҳбари лавозимида ишлаган Санжар Шукуров эса 2012 йил ноябрь ойининг бошларида лойиҳа-смета ҳужжатларини бошқарманинг меъморий кенгашидан ўтказиб бериш эвазига Бахтиёр Хоназаровдан 500 АҚШ доллари пора тариқасида олган. Бинобарин, тўртгала шахсга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилган. Оқибатда, жиноят ишлари бўйича Сергели туман судининг 2013 йил 4 июлдаги ҳукмига биноан, ушбу шахсларга тегишли жазо тайинланган.

Бундан ташқари, Санжар Шукуров, Мохира Абдукаримова ва Камола Эргашевалар ҳам Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор, деб топил-

ган ҳолда қонуний жазоларга тортилган. Судланувчилар Б.Хоназаров, М.Абдукаримова ва К.Эргашеваларнинг суд ҳукмидан норози бўлиб, ёзган апелляция шикоятини эса жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 23 августдаги ажрими билан қаноатлантирилмасдан, суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган. Айниқса, бу ҳолатдан кейин овозидан маҳрум этилган Бахтиёр Хоназаров ич-эттини еб бўлган. Негаки у ўзини айбсиз деб биларди. Бироқ сабр қилишдан ўзга чораси йўқ эди.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз суд-ҳуқук тизимида бошланган кенг қўламли ислохотлар унда яна умид уйғотган. Шундай қилиб Бахтиёр Хоназаров 2018 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий судига назорат тартибиде шикоят йўллаган. Аммо суд томонидан унинг мазкур шикоятини қаноатлантирилмасдан қолдирилган. Шу боис қаҳрамонимиз такроран Олий суд эшигини қоккан. Натигада Олий суд раиси ўринбосарининг 2019 йил 14 январдаги ажрими билан судьянинг юқоридаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши билан бирга қўриш учун тегишли судлов ҳайъатига ўтказилган.

Шундан сўнг Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати мазкур ишнинг қўриб чиққан. Судлов ҳайъати жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 23 августдаги ажрими бекор қилган ҳолда ишнинг янгидан қўриш учун қасса-ция инстанциясига юборган.

Шуни эътироф этиш лозимки, ўша пайтларда судларда янги ислохотлар нафаси сезила бошлаганди. Бинобарин, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди ўзининг 2019 йил 20 июндаги ажрими билан биринчи босқич суди ҳукмининг Б.Хоназаровга тааллуқли қисмининг ўзгартирган. Яъни, судланувчининг ҳаракатларида Жиноят кодексининг 243-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби бўлмагани боис реабилитация қилинган. Қолаверса, Бахтиёр Хоназаровнинг жиний ҳаракатлари кодексининг 210-моддаси, 2-қисми, “б,в” бандларидан 192¹-моддаси, 1-қисмига, 189-моддаси, 3-қисмидан шу модданинг 1-қисмига қайта квалификация қилинган. Унга ўташ учун тайинланган 1 йилу 3 ой муддатга озоликлдан маҳрум этиш жазоси ўталган, деб ҳисобланган.

Бундан ташқари, Б.Хоназаровдан пора предмети сифатида давлат даромадига 36 миллион сўм ундириш қисми чиқарилган. Энг муҳими, ажримда спорт соғломлаштириш мажмуасининг сотилган давридаги баҳосини Бахтиёр акага қайтарш ҳам белгиланган. Аммо...

Аммо шунда ҳам Бахтиёр Хоназаровнинг кўнгли таскин топмаган. Чунки у ўзининг айбсизлигини билиб, оқланганини истарди. Шу мақсадда яна Ўзбекистон Республикаси Олий судига назорат тартибиде шикоят беришга қарор қилди. Суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати айна ишнинг 2020 йил 29 июнда қўриб чиқди. Унга мувофиқ, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2019 йил 20 июндаги ажрими бекор қилиниб, янгидан

қўриш учун яна мазкур суднинг ўзига юборилган.

Албатта, доно халқимизда “Ҳақиқат эгилди, буқилади, лекин синмайди”, деган нақл бор. Шу маънода айтганда, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди бунга яна бир қарра исботлади. Яъни, жиноят иши ҳужжатларидан аён бўлишича, томонлар ўртасида 2012 йил 30 июлда имзоланган 13Л/12-сонли шартнома баҳоси 20 миллион сўмдан иборат бўлиб, буюртмачи мазкур суммани 60 кун ичида тўлаши лозимлиги белгиланган. Бироқ Ш.Эшниева пулни вақтида тўламаган. Кейинчалик, орадан 2 ой ўтгачина — 2012 йил 2 октябрда бажарувчига 10 миллион сўм пул тўлаган ҳолос. Бинобарин, иккала тадбиркор яна 40 миллион сўмлик тўловни амалга ошириш бўйича оғзаки келишувга эришилган. Шундан сўнг Ш.Эшниева поймақимнинг турли жойларида Бахтиёр Хоназаровга 26 миллион сўм пул берган. Натигада лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида тайёрлаб берилган. Шунинг учун Б.Хоназаровнинг ҳаракатларини пора олиш жинийти билан баҳолан бўлмайди. Қолаверса, 2012 йил 1 декабрдан бошлаб мамлакатимизда еб кам ойлик иш ҳақи 79 минг 500 сўм этиб белгиланган ҳолда унинг беш юз баравари 39 минг 795 минг сўмни ташқил қилди. Бу пайтда Ш.Эшниева берган 36 миллион сўм жиноят таркибини бермай қолган. Шу сабабли Бахтиёр Хоназаровни Жиноят кодексининг 189-моддаси билан айбдор бўлмайди.

Бундан ташқари, текширув давомида олиниб, ашёвий далил сифатида эътироф этилган 47 varaқли “MEGAMIX” номли дафтarda қайд қилинган рақамлар айнан хизмат кўрсатишдан тушган пуллари эканлигини тасдиқловчи далил на терговда, на биринчи босқич судида аниқланмаган.

Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишида айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний қучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисоблангани, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартафарқ этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиққан шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги белгиланган. Ана шу асосларга таянган суд ўзининг 2020 йил 22 декабрдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Сергели туман судининг 2013 йил 4 июлдаги ҳукмининг бекор қилиб, Бахтиёр Хоназаровни бутунлай айбсиз, деб топди ҳамда оқлади. Шунингдек, суд ажримида “Спорт ва соғломлаштириш мажмуаси”нинг сотилган пайтдаги баҳосини оқланувчига қайтариб бериш ҳам белгиланди.

Шу тариқа ноҳақ айбланган тадбиркор 7 йилдан сўнг оқланиб, кўни-қўшни, қариндош-уруғ, ёру биродар ва таниш-билишлари олдига юзи ёруғ бўлди. Бу эса Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қўламли суд-ҳуқук ислохотларининг ҳаётий ифодасидир.

Алишер ЖАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар суди судьяси,
Хуршид СУЛТОНОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

ФАРҲОД Шаҳобов Фаргона туманининг “Хўжа Аҳмад Вале” маҳалласида яшайди. Ҳеч қаерда ишламайди. Шунинг учун пулга муҳтожлигинданми ёки шайтон йўлдан урибми, ўтган 2020 йилнинг сентябрь ойида ғайриқонуний бир ишга қўл урди. Қирғизистон Республикасида яшовчи, дастлабки тергов вақтида шахсини аниқлашни имкони бўлмаган “Нурилло” исмли шахс ўзaro савдо-сотик жараёнида Фарходжондан 1500 АҚШ доллари миқдорда қарз бўлиб қолади. Бунинг эвазига Нурилло 2020 йил 10 сентябрь кунини уч дона целофан пакетга солинган, 2960 кути “Милано” тамакисини икки қўшни давлатни ажратиб турувчи, шох-шаббалар билан ҳосил қилинган тўсиқ устидан иргитиб, ўтказиб беради.

Кейин эса Фарходжон ўша махсулотни отаси Ш.Шаҳобовга тегишли “Хундай портер” русумли машинага юклаб, туман маркази томон йўлга тушади. Унинг максиди сигаретни бозордаги савдогарларга сотиш эди. Бироқ йўлда уни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳодимлари тўхтатишади. Натигада Ф.Шаҳобовнинг қилмиши фoш этилади. Фаргона шаҳридаги “Континент имкон баҳо” масъулияти чекланган жамияти мутахассислари эса 2020 йил 14 декабрдаги 516-сонли баҳолаш ҳисоботи билан ашёвий далил тариқасида олинган махсулотнинг умумий нарҳини 24.272.000 сўм этиб белгилашади. Оқибатда Ф.Шаҳобовга нисбатан Жиноят кодексининг 1861-моддаси (Этил спирти, алкоғолли ва тамаки махсулотларини қонунга хилоф

равишда муомалага киритиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этишнинг 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Буни қарангки, жиноят иши то судда қўрилгунча — Президентимизнинг тегишли Фармони билан 2021 йил 1 февралдан эътиборан Республика миқдори 245.000 сўм этиб белгиланади. Шунга қўра, айна пайтда Фарход Шаҳобов томонидан содир этилган 24.272.000 сўмлик тамаки махсулотларини муомалага киритиш жинийти анча миқдорни эмас, балки кўп бўлмаган миқдорни ташқил қилади. Натигада “қаҳрамонимиз”нинг қилмиши жиноят таркибини бермай қолади. Қолаверса, Ф.Шаҳобов муқаддам Маъмурий жа-

вобгарлик тўғрисидаги кодексининг 1861-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилмаган ҳам. Шу боис жиноят ишлари бўйича Фаргона туман суди уни айбсиз деб топиб, оқлади. Шу билан бирга, унинг ҳаракатларида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 1861-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлгани сабабли маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун Фаргона туман прокуратурасига юборилди.

Фаррух АБДУРАИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Фаргона туман суди раиси
Шоира АБДУРАЗЗОҚОВА,
Фаргона шаҳридаги “Хуқуқий тизим” адвокатлик бюроси адвокати



СУД-ИҚТИСОДИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИ

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд-иқтисодий экспертиза тадқиқотлари муҳим ўрин тутаяди. Яъни одил судловни таъминловчи судлар ва бошқа ҳуқуқ тартибот идоралари қайсидир ҳукм ва қарорларни ҳар жиҳатдан ҳолислик ва адолат мезонлари асосида қабул қилишда суд-иқтисодий экспертизаси хулосаларига ҳам таянади. Шундай экан, суд экспертизаси даҳлсизлигини таъминловчи меъёрлар бугунги кунда халқаро талабларга тўла жавоб беради.

адолат мезонларидан

биридир

Албатта, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни аниқлаш ва самарали тергов олиб бориш фақат махсус иқтисодий билимлардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади. Бунда хўжалик юритувчи субъектнинг нафақат молиявий хўжалик операциялари, балки ўзида иқтисодий кўрсаткичларни ифодаловчи бухгалтерия, статистика ва тезкор ҳисоб ҳужжатлари тадқиқ қилиниши керак. Шу маънода айтганда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика суд экспертиза марказининг суд-иқтисодий экспертизаси бўлими экспертлари томонидан, суд-бухгалтерия, молия-кредит, меҳнат иқтисодиёти ва ташқи савдо фаолияти суд иқтисодий экспертизаси турлари бўйича тадқиқотлар ўтказилиб, тегишли хулосалар бериб келинмоқда. Бунда Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертизаси муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома талаблари дастуриламал бўлиб

хизмат қилади.

Бухгалтерия ҳисоби, солиқ, пул-кредит муомалалари ва молия соҳасида махсус билимлар эксперт-иқтисодчининг илмий ваколат доирасини белгилайди ва бундай билимлар қўлланилишига талаб туғилганда терговчи ёки суд суд-иқтисодий экспертизасини тайинлайди.

Айтайлик, суд-бухгалтерия экспертизаси услубий йўналиши бўйича солиқ қонунчилигига риоя қилиш, моддий зарарни аниқлаш, инвентаризация ўтказиш мобайнида товар моддий захираларнинг камомати ва ортиқчилигини аниқлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади.

Суд-молия-кредит экспертизасининг тадқиқот доирасига эса пул маблағлари фондлари, пул қўйилмалари, кредитлар, банк муомалалари, солиқ қонунчилиги билан боғлиқ масалалар киряди. Масалан, масъулияти чекланган жамият иштирокчиси Устав фондига киритган ўз улушини ҳақиқий қийматини берилишини талаб қилиб судга мурожаат қилган. Жамият томонидан иштирокчига

улушининг номинал қиймати берилиши лозимлиги кўрсатилиб, даъво аризаси тан олинмаган. Иқтисодий суд томонидан экспертлар ечимига улушдорнинг ҳақиқий улушини аниқлаш вазифаси юклатилган. Шу боис мазкур экспертизани ўтказиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонуни талабларига риоя қилинади. Яъни жамиятнинг таъсис ҳужжатлари маълумотлари асосида улушдорнинг улиш фоизи аниқланган. Жамиятнинг бухгалтерия баланси маълумотлари асосида соф активлар қийматидан улушдорнинг улушига мос бўлган қисми ҳисобланган.

Бундан ташқари, меҳнат иқтисодиёти экспертизасининг йўналиши меҳнат муомалалари ва иш ҳақи, нафақа қонунчилиги талабларига риоя қилиниши текшириш, ижтимоий нафақалардан келиб чиқади.

Ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси бўлса экспорт-импорт опера-

цияларини тузилган шартнома шартларига тўғри келиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этади. Бунда экспорт ва импорт шартномаларда кўзда тутилган нархлардан қимматлашиш (арзонлашиш) мавжудлигини аниқлашда товарлар нархларининг фарқи суд-тергов идоралари томонидан ваколатли органлардан олинган расмий нархлар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Бунда контракт тузилган даврда амалда бўлган, товарнинг техник параметрларига мос келувчи ва етказиб беришнинг базис шартлари мос келадиган таклифлар солиштириш учун асос сифатида қабул қилинади.

Республика суд экспертиза марказида суд – тергов идораларининг иқтисодий экспертизалар бажарилишига бўлган талабини қондиришда хизмат қилиш доирасини

минтақавий бўлинишидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти учун амалга оширилади. Шунингдек, марказнинг минтақавий бўлинишида бажарилиши мумкин бўлмаган бирламчи мураккаб ва тақрорий экспертизалар ўтказилади.

Айни пайтда марказнинг иқтисодий-экспертиза бўлиниши вилоятлараро бўлинишларнинг иқтисодчи экспертларини амалиёт, семинар ва экспертизаларни тақриз қилиш шаклида тайёрлайди ва қайта тайёрлайди.

Бир сўз билан айтганда, суд-иқтисодий экспертизаси жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда адолат ҳамда одиллик мезони бўлиб хизмат қилади.

Ориф МУРТАЗАЕВ,
Республика суд экспертизаси маркази эксперти

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ ВА МАЪРИФАТИ уларнинг комиллик даражасини белгилайди

Маълумки, ёшлар тарбияси, уларни комил инсон қилиб вояга етказиш масаласи ҳамisha долзарб аҳамият касб этиб келган. Бинобарин, республикамизда миллий қонунчилик асослари яратилиб, ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Буни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида "Бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган, яхлит ва узлуксиз тизим яратилади" дея таъкидлаган сўзлари ҳам тасдиқлади. Негаки ёшлар тизимли ва узлуксиз ривожлантириш натижасида 30 ёшдан кейин давлат сиёсатининг, ижтимоий ҳаётнинг субъекти, яъни ислохотлар ташаббускорига, жамиятнинг ҳал қилувчи кучига айланади ва бундай

ёшларнинг фаолиятдан кўнгилни тўқ қилса ҳам бўлаверади, чунки улар ватанпарвар, билимни қадрлайдиган, инновацияларга очиқ, кўнгли меҳрли, ўзининг тўлиб-тошган энергиясини бунёдкорликка йўналтирадиган инсонлар бўлиб шаклланади. Боиси фидойи ва жонкуяр ёшларга ҳамisha зарурат сезилган.


Албатта бундай зарурат ёшларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш жараёнидаги ролини ва мамлакатнинг барқарор иқтисодий тараққиётидаги иштирокини ошириш, жумладан, улар учун қулай

ишбилармонлик ҳамда тадбиркорлик муҳитини яратиш, улар ўртасида илм-фан ва таълимга қизиқишни ошириш, қолаверса, мамлакатнинг инновацион ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни ташкил қилиш, ёшлар билан ишлашнинг замонавий услуб ва механизмларни изчил татбиқ этиб бориш каби омиллар билан изоҳланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, одоб-ахлоқи, зукколиги, ҳаракатчанлиги ва шижоати, юз бераётган янгиланиш ва ижобий ўзгаришларга тайёрлиги жамиятнинг умумий тараққиёт даражасини белгилайди. Шу маънода айтганда, ёшлар ва жамият тараққиёти ўзаро изчил боғланган ҳамда узвийлик касб этган ижтимоий-сиёсий воқелик бўлиб, ёшлар онгида ҳукм

сурган кайфият ва орзулар бевосита жамиятнинг келажақдаги ривожланиш истиқболларини намоён этади. Шундай экан, мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлашда ёшлар билан боғлиқ амалга оширилаётган ишлар самардорлигини янада оширишда ёш авлод манфаатини бошқа қатламлар вакиллари манфаатларига қарши қўймасдан, умуммиллий манфаат билан уйғунлаштириш устувор вазифа бўлиши лозим.

Нуриддин ҚОЛҚАНОВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти,
сиёсий фанлар доктори
Наргиза СОЛИЕВА,
Республика суд экспертизаси маркази масъул ходими



Қаерга ёки кимга мурожаат қилсам бўлади?

— Мен сафарда бўлганимда турмуш ўртоғим ўзига тегишли бўлган машинани менинг розилигимсиз сотиб юборибди. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, кимга ёки қаерга мурожаат қилсам бўлади?

**Н.Бекназарова,
 Тошкент шаҳри**

— Агар транспорт воситаси никоҳ давомида орттирилган бўлса, эр ва хотиннинг умумий мулки ҳисобланади. Транспорт воситаси эр ва хотиннинг ўзаро никоҳига қадар улардан бирига тегишли бўлса, бу умумий мулк ҳисобланмайди.

Оила кодексининг 24-моддасида шундай дейилган:

Эр-хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиш юзасидан амалга оширган битими бошқасининг бунга розилиги бўлмаганлиги сабаблигина билдирган талабига биноан ва фақат битимни амалга оширган иккинчи томон амалга оширган битими юзасидан эр (хотин) рози эмаслигини олдиндан билгани ёки билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳолларда суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Яъни эр-хотиндан бири умумий мол-мулкни тасарруф этганда (сотганда) улардан иккинчисининг ҳам розилиги талаб қилиниши айтилмоқда. Розилиги бўлмаган тақдирда суд томонидан битим ҳақиқий эмас, деб топилади. Шунга кўра, бу масалада яшаб турган туманингизда жойлашган фуқаролик судига мурожаат қилишингиз мумкин.



Ишсиз “алиментчи”дан қанча алимент ундирилади?

— Укам вақтинча ишсиз. Яъни, айни вақтда ҳеч қандай ишламайди. Ундан қандай тартибда ва қанча алимент ундирилади?

**Н.Норов,
 Тошкент шаҳри**


— Агар алимент тўловчи ишламайдиган бўлса ёки унинг иш ҳақи ва (ёки) даромадини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаган бўлса, алимент қарзи ундирилаётган вақтда Ўзбекистон Республикасида белгиланган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори бўйича ҳисоблаб чиқилади.

Агар қарзини бундай белгилаш тарафлардан бирининг манфаатларига жиддий пудур етказса, манфаатларига пудур етказилган тараф судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Суд тарафларнинг моддий ва оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни инобатга олиб, қарзининг пул билан тўланадиган қатъий суммасини белгилаш мумкин.

Саволларга Юнусобод туманида хусусий амалиёт билан шўғулланувчи нотариус Дилдор МУСАЕВА жавоб берди.

Маълумки, элимиз дастурхони ва юртимиз бозорларидаги бугунги тўкин-сочинлик миришкор бободоҳқонларнинг – фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгаларининг эрта баҳордан то кеч кузгача қилган машаққатли меҳнатлари самарасидир. Ахир ўзингиз ўйланг, бошқа ҳар қандай касб соҳибиде йиллик меҳнат таътили ва байрамлар муносабати билан дам олиш кунлари бор. Аммо деҳқон йил бўйи, яъни керак бўлса, қишнинг қиrowsли кунларида ҳам тиним билмайди.



Бахти бекам аёл



каби 300 дан ортиқ дарахтларнинг мавжудлиги Назаровлар оиласининг чинакам миришкор боғбон эканлигидан ҳам далолат беради. Шу билан бирга, қахрамонимиз томорқасида етиштирилган мевали дарахтлар кўчатидан маҳалладошлари ва таниш-билишларига текинга тарқатар экан ҳам. Яъни уларнинг ҳовлисида ҳам ўзиники сингари боғ барпо бўлишини истайди. Шунинг учун бўлса керак, унга чин дилдан ишонган ҳамқишлоқлари халқ депутатлари Сайхунобод тумани Кенгаши депутатлигига сайлашган. Бунинг ўзи эса алоҳида бир мавзу. Утган йилги Сардоба сув омбори фожиаси жабрдийдаларига кўрсатган ҳимматинику газетлада овоза қилишимизни истамади. Айни пайтда Роҳатой Назарова 11 нафар набиралари-

Айниқса, бу сафда миришкор опа-сингилларимиз ҳам борки, улар деҳқончиликнинг сир-асорларини бошқалардан кўра яхши билишади, бу борада ўзларининг неларга қодир эканликларини ўрнак қилиб кўрсатса арзиғулик даражада намоён этиб кўядилар.

Сайхунободлик Роҳатой опа Назарова ҳам ана шундай замонамиз қахрамонларидан биридир. Шу боис уни нафақат туманда, балки вилоятда ҳам яхши танишади. Асли касби педагог бўлган ва 40 йил мобайнида қишлоғидаги “Райҳон” номли мактабгача таълим муассасасида тарбиячи бўлиб фаолият юритган опа нафақага чиққандан кейин фермерликка қўл урди. Чунки юраги меҳнатга ундаб турган инсон бир фурсат ҳам бекор ўтиролмайди. Бинобарин, дастлаб Р.Назарова бундан 22 йил аввал ширкат хўжалигидан 6 гектар ер олиб, оилавий пудрат асосида иш бошлади. 2005 йилга келиб эса унга яна 7 гектар қўшимча ер ажратилди. Яъни “Роҳатой Назарова” фермер хўжалигини ташкил этди. Вақт ўтган сайин деҳқончилик илмини пухта эғаллаб бораркан, фермер аёл тендер танловларида ғолиб бўлиб, яна 80 гектар ернинг эгасига айланди. Бу эса унинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшди. Фарзандлари билан бирга енг шимариб ишини давом эттирди. Қишнинг қаҳратони-ю, ёзнинг жазирамаси ҳам суғи меҳнатда қотиб улгурган опанинг метин иродасини бука олмади. Ҳамжиҳатлик билан қилинган меҳнат самараси ўлароқ давлатга пахта ва ғалла сотиш шартно-

мавий режалари ортиги билан уудаланди.

Буни қарангки, Роҳатой опа дала меҳнатидан ортиб, ҳовлисидаги томорқасида ҳам картошка, пивёз, қарам, саримсоқпивёз, помидор ва лавлаги сингари сабзавотларни етиштирар экан. Ҳатто бозорда сотиб, яхшигина даромадга ҳам эга бўларкан.

— Фарзанду келинларим, набираларим билан бирга меҳнат қилиб кам бўлмадик, - дейди Р.Назарова мамнуният билан. — Маҳалла-куйда хурмат-izzат топдик.

Шундан сўнг Роҳатой опа бизни ҳовлиси этагига бошлади. Эҳ-ҳе катаклардаги сон-саноксиз товук, қурка, кўрадаги емланмаётган кўчқорлар, сут ва гўшт учун боқилаётган 80 та сигир ҳамда хўкизлар, 47 талик от уюрини қўриб, ҳайратимизни яшира олмадик.

— Опа, бу парранда ва чорвангизнинг ўзи 2 миллиард сўмдан зиёдду, - дейман ўзимча баҳолаган бўлиб.

— Қайдам, ҳеч ҳисоблаб кўрмабмиз. Буларнинг барчаси оилавий қилган меҳнатларимиз самараси, дея жавоб қайтаради Роҳатой опа камтарлик билан. Бундан ташқари, фермернинг ҳовлисига сархил мева дарахтлари файёз бағишлаб турибди. Масалан, гилос, олма, нок, ўрик, беҳи, анор, узум ва шафтоли



нинг дуоғўйи, маслаҳатчиси ва сеvimли бувисига айланган. У набираларига Президентимиз томонидан чўқур билим олиш ва касб-хўнар эгаллаш учун яратилаётган кенг имкониятлар хусусида сўзлаб беради. Шунинг баробарида, уларни ана шу шарт-шароитларнинг қадрига етишга ундайди. Энг муҳими, Роҳатой опа набираларининг бу борадаги қизиқишини қўриб, кўнгли таскин топади, шўқроналик ва фахр ҳиссини туяди, қалби осойиш топади. Бир аёл бахти бўлса шунчалик бўлар.

**Шўҳрат СУЯРОВ,
 журналист**

Хоразм вилоятида фаолият
кўрсатаётган

“ЧИНОБОД ҚУРИЛИШ” ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

шу кунларда қадимий воҳанинг

Ҳазорасп туманида ичимлик суви тармоқлари, Хива шаҳрида йирик мактабгача таълим муассасаси қурилиши, ўндан зиёд қурилиш ашёлари: темир-бетон плиталар, бетон маҳсулотлари, замонавий бунёдкорликлар учун ниҳоятда муҳим “Ақфа” жиҳозларини ишлаб чиқаришда гайрат-шижоат билан меҳнат қиляпти.

Халқимизнинг миллий ва анъанавий байрами — Наврўз айёмини муносиб кутиб олаётган юртимизнинг пешқадам меҳнат жамоаси қутловини қабул қилинг!

Байрам муборак, ҳар кунингиз
Наврўз бўлсин, азизлар!



Хизматлар лицензияланган.

Инсон
ва ҚОНУН

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
“Адолат” миллий ҳуқуқий
ахборот маркази нашри
info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган



Бош
муҳаррир
Қўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Ахбар Жўрабоевич
Рабиев Шерзад Миржалилович
Тожиев Фуқрат Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган
кўпёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Навбатчи
Ёрбек Искандаров
Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 4360
Буюртма — V-4601

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 21:30


МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳори келишилган нарҳда

1 2 3 4 5



Юртимизда Наврўз айёмининг фараҳбахш руҳи кезаётган айна кезларда Хоразм воҳасининг кенжа Тупроққалъа туманини катта бунёдкорликлар майдонига айлантириш, Янгиариқ ва Урганч туманлари аҳолисини ичимлик суви балан таъминлаш, йирик сув сақлаш омборини барпо қилиш, шунингдек, турли-туман қурилиш жиҳозларини ишлаб чиқаришда

**“ҒУЛОМЖОН СУВ ҚУРИЛИШ”
 МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ**

меҳнатчиларининг ғайрати янада жўш урапти. Улкан ютуқлар жамоага ҳамisha ҳамроҳ. Қалбларда эса Наврўз айёми кўтаринкилиги. Аҳил ва иноқ жамоа ушбу ажойиб шодиёна муносабати билан Ўзбекистонимиз довругини оламаро таратаётган барча ҳамкасб бунёдкорларни самимий муборакбод этади, байрам шукӯҳи доимо ҳамроҳ бўлишини тилайди!

**“ҒУЛОМЖОН СУВ ҚУРИЛИШ”
 МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ**

Хизматлар лицензияланган.

Ўқидингизми?

**“ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА
 ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ”**

журналининг 1-сони нашрдан чиқди



Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи билан очилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Танзила Норбоева “Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият” мақоласида давлатимиз раҳбарининг ушбу нутқида нафақат халқимизнинг, балки бутун инсониятнинг фаровон келажагига хизмат қиладиган муҳим мақсад ва вазифалар ўз ифодасини топганлигини таъкидлаган.

Шунингдек, ушбу сонда “2021–Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” мавзусига кенг ўрин берилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси раиси А.Аслонов, Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари кўмитаси аъзоси Э.Боситхонова, академик Қ.Абдурахмонов, Россия Федерациясининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Т.Москалькова ва бошқаларнинг илмий мақолаларида ёшларни жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, корона-вирус пандемияси шароитларида аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш масалалари атрофида таҳлил қилинган.

“Жамият ва ҳуқуқ”, “Халқаро ҳуқуқ”, “Тарих саҳифаларида” каби рунлардаги илмий мақолаларда Янги Ўзбекистондаги сайлов қонунчилиги, парламент дипломатияси, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг долзарб вазифалари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти таҳлил этилган.

ЭЪЛОНЛАР

Навий вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 25 февралдаги 44-ум-сонли буйруғига асосан талабгор Нажимидинов Фазлиддин Анвар ўғлига ҳамда 45-ум-сонли буйруғига асосан талабгор Джуракулов Ҳамиджон Неъматовичга малака имтиҳонини топширганлиги сабабли маъмурий ва жиноий суд ишларини юритиш ихтисослиги бўйича адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилганлигини маълум қилади.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 3 мартдаги 4-А-сонли буйруғига асосан адвокат Д.Муҳиддиновга 2018 йил 28 декабрда берилган GZ-000068-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2021 йил 3 март кунидан тақланганлиги маълум қилинади.

Адлия вазирлиги жамоаси вазирликнинг халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик бошқармаси масъул ходими Муаттар Крамовага отаси

Ҳудойберди ТЎХТАБОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.